

Ижтимоий адолатга йўғрилган ҳужжат

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг “2014 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги масала муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Кун тартибдаги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари М.Мирзаевнинг ахбороти тингланди.

Келгуси йил учун Давлат бюджетининг лойиҳасида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш, қўлай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш каби устувор йўналишлар қамраб олинган. Ушбу йўналишлар Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг 18 январидаги Ҳукумат йиғилишида белгилаб берилган устувор вазибаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Шунингдек, келгуси йили асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланган ялпи ички маҳсулотнинг 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 9,5 фоизга ўсиши кўзда тутилаётганлиги ҳамда мазкур кўрсаткичларнинг 2013 йилда юқори суръатларда ўсиши кутулаётганлиги 2014 йили Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишга асос бўлган.

Охириги йилларда Давлат бюджети профицит билан бажари-

лиши республикада самарали амалга оширилаётган солиқ ва бюджет сиёсатидан, мамлакатнинг тўлов балансининг барқарорлигидан далолат бериб, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш учун мустаҳкам асос бўлмоқда.

Шубҳасиз, “Адолат” СДП фракциясининг фаровонлиги ва даромадларини оширишга хизмат қилаётган ушбу сиёсатни қўллаб-қувватлайди, чунончи, партия дастурида аҳолининг даромадларини изчиллик билан оширишга йўналтирилган давлат сиёсатини ёқлаши баён этилган.


Фракция аъзолари 2014 йилги солиқ сиёсати ўтган йилларга мос равишда хўжалик юртувчи субъектлар ва иқтисодиётга солиқ юкларини янада пасайтиришга, солиқ солиш тизимини соддаштиришга, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга ва солиқ маъмуричилигини тақомиллаштиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлилигига эътибор қаратишди.

Хусусан, хўжалик юртувчи субъектларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва меҳнатини рағбатлантириш учун қўшимча манба яратиш мақсадида фойда солигининг базавий ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга камайтириш назарда тутилаётган бўлиб, бу қорхоналар ихтиёрида 132,0 млрд. сўм атрофида маблағ қолдириш имконини беради.

2 ➤

Муқобил энергетика:

узлуксиз таъминот сари



Фракция эшитуви

Ўзбекистон “Адолат” СДП дастурида анъанавий энергия манбаларини тежаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш мақсадида қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни асослаш механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш, энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиши белгиланган.

2 ➤



Таълимга эътибор — келажакка эътибор

Инновацион технологиялардан фойдаланилган ҳолда

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасида таълим сифати ва самардорлиги тобора ошмоқда.

Бухоро муҳандислик-технология институти қошидаги 1-академик лицейда ёшларнинг пухта билим эгаллаши учун барча шароит яратилган. 1146 ўғил-қиз сабоқ олаётган таълим масканида дарслар

ўқитишнинг самарали усуллари — кўргазмали қурол ва янги инновацион технологиялардан фойдаланилган ҳолда ўтилмоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида фан,

спорт, ҳунар тўғралаклар ташкил этилган. Бой китоб фонди ва ўқув залига эга ахборот ресурслари, компьютер, лицензия, мультимедиа, тренажёр хоналари, спорт зали ўқувчилар билан гавжум.

Суратда: Бухоро муҳандислик-технология институти қошидаги 1-академик лицейда.

Т.ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2013 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисини шу йил 12-13 декабрда Тошкент шаҳрида қаҳирини тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига аҳоли турмуш даражасини янада оширишни ва унинг ижтимоий муҳофаза қилинишни кучайтиришни, иқтисодиётнинг юқори ва барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги, шунингдек, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва

аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масалаларни киритиш режалаштирилмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислох қилишга ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. Бутун бюджет жараёнини янада мунтазамлаштириш ва кодификациялашни, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самардорлигини оширишни, вазийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмларини тақомиллаштиришни назарда тутадиган «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Вазийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ва

бошқа бир қатор қонунлар шулар жумласидандир. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни, шунингдек, бошқа бир қатор қонунларни кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда навбатдаги ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлиси Сенати кўмиталарининг ва Девонининг ўн учинчи ялпи мажлисини тайёрлаш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ишнинг мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Бошқарувда ошқоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик сари

Ҳуқуқий эксперимент

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий тажрибадан ўтказилаётгани мамлакатимизда илғор ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, ижтимоий ҳаётимизни демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, давлат ҳокимияти

ва бошқаруви органлари фаолиятига очиқлик, ошқоралик бериш орқали фуқаролар ҳаётига дахлдор масалалар бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, қолаверса, қонун лойиҳасини тақомиллаштириш имконини беради.

3 ➤

«ОБУНА — 2014»
Қадрли юртдошлар! Азиз муштарийлар!
“Adolat” газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.
2014 йил учун обуна бошланди.
Обуна бўлинг!
“Adolat”нинг нашр индекси — 100
“Adolat” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

Халқ ишончини қозониш

амалий ишларимизда намоён бўлсин

Депутатлик гуруҳларида

“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонун сиёсий партиялар учун муҳим ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур қонун асосида яратиб берилаётган ваколатдан унумли фойдаланиш натижасида сиёсий партиялардан сайланган маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлиги ошиб, жамоатчилик назорати функциясининг таъсирчанлиги кенгайиб бораётганлиги янада аҳамиятлидир.

2 ➤

Парламент ҳаёти



Ижтимоий адолатга йўғрилган ҳужжат

«Давоми. Бошқ 1-бетда»

Умид ЖУМАНИЕЗОВ,
фракция аъзоси:

— Фуқароларнинг жамғариб бориладиган шахсий ҳисоб-рақаблари ҳисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи ҳисобига маблағларни ўтказиш тартибини (1%) сақлаб қолган ҳолда ҳисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғининг энг паст ставкасини 8 фоиздан 7,5 фоизга пасайтириш назарда тутилмоқда. Бу эса барча тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ юқини камайтириш имконини бермоқда.

Охири йилларда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ва аҳолига қатор имтиёзларнинг берилиши, аввало, уларда ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг жаддалашуви ҳамда унинг қўлама кенгайишига, сервис ва хизматлар соҳаси кенгайишига, энг муҳими, аҳоли бандлиги ва даромадлари орттиришга хизмат қилмоқда.

2014 йил учун Бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини таҳлил қилиш жараёнида иш ҳақини мўтасил охири бориш орқали аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишга қаратилган чораларни амалга ошириш натижасида охириги уч йил давомида аҳолининг реал даромадлари 1,9 баробар ошганлиги қайд этилди. 2014 йилда ҳам бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдори инфляция даражасидан юқори суръатларда оширилиши қўлаётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, давлат молиясини бошқариш ҳуқуқий асосларини янада мукаммаллаштириш, бюджетдан ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ва давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида 2014 йил 1 январдан бошлаб Бюджет кодексини эксперимент тарқисидан 2014-2015 йиллар давомида синов шарти билан амалга киритиш тақлиф этилмоқда, ушбу даврда уни янада мукам-

маллаштиришга қаратилган зарур ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилади.

Ушбу Бюджет кодекси лойиҳасида давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари қамраб олинган бўлиб, бюджет маблағларининг манзиллиги ва мақсадли хулусияти, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги ва самарадорлиги, ягона газна, масъулия, оммавийлик ва ошқоралик каби қўшимча тамойиллар киритилганлиги билан «Адолат» СДП дастурий қўғарига ҳамроҳандир.

Ўтган йилларга мос равишда 2014 йилда ҳам Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилганлиги фракция аъзолари диққат марказида бўлди.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
фракция аъзоси:

— Айтиш жоизки, биргина таълим соҳаси харажатларининг ЯИМга нисбатан 7,5 фоизни ташкил этаётганлиги баркамол авлоднинг тарбиялашга мамлакатимизда оқсак эътибор қаратилаётганини яққол намуна-сидир.

Шунингдек, таълим муассасаларини ўқув-лаборатория, ишлаб чиқариш ва спорт жиҳозлари, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникацион технологияларни ўргатадиган бошқа элементлар, ўқув мебели ва инвентарлар билан қайта жиҳозлаш, хусусан, касб-хунар коллежларининг ишлаб чиқариш устаноналарини замонавий технология асосида мукамаллаштириш, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникацион технологияларни ўргатадиган бошқа элементлар, ўқув мебели ва инвентарлар билан қайта жиҳозлаш харажатларини 1,5 баробарга ошириш кўзда тутилмоқда. Бу эса партиямизнинг таълим тизимига замонавий ахборот технологияларини жалб этиш орқали таълим сифатини янада ошириш ва меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, мақсадли равишда малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга доир дастурий вазифаларига мос келади.

Мавлуда НИШОНОВА,
фракция аъзоси:

— 2014 йилда солиқни сақлаш тизими харажатлари Дав-

лат бюджетидан Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари жамғармасига ажратилаётган маблағларни инобатга олган ҳолда, ЯИМга нисбатан 2,9 фоизни ташкил этади ва бу солиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан қабул қилинган дастурлар доирасида барча тadbирларнинг молиялаштирилишини таъминлаш имконини беради.

Алшмер АКРАМОВ,
фракция аъзоси:

— Давлат бюджетининг ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш харажатлари, қишлоқ жойлардаги йўлларни капитал ва жорий таъмирлаш харажатларини ҳам инобатга олган ҳолда 2014 йилда ЯИМга нисбатан 0,4 фоиз миқдорда белгилаётганлиги ҳам эътиборга моликдир. Тасдиқланган бюджет параметрларида кўзда тутилган маблағлар билан бир қаторда, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун жойларда маҳаллий бюджетлар даромадларининг прогноз кўрсаткичларидан ошириб бажарилган тушумлар ҳам йўналтирилиши назарда тутилмоқда. Бу ҳам бевосита партиямизнинг қишлоқ ҳудудларини ижтимоий ободонлаштириш, йўл қурилишини ривожлантириш, мавжуд ижтимоий объектиларни модернизация қилиш ҳамда янгиларни қуриш, қишлоқда замонавий ҳамда шинам уй-жойларни барпо этиш билан боғлиқ дастурий вазифаларимизга мос келиши билан аҳамиятлидир.

Йиғилишда Давлат бюджети лойиҳасининг барча йўналишлари кизгин муҳокама қилинди. Фракция аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДП позицияси нуктаи назаридан ўз тақлиф ва тавсияларини билдириб, 2014 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини маъқулладилар.

Илёс САҲАТОВ,
«Adolat» мухбири

Муқобил энергетика: узлуксиз таъминот сари

«Давоми. Бошқ 1-бетда»

Шундан келиб чиқиб, партия ўз дастурий вазифаларини изчил амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда муқобил, қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этишни рағбатлантиришга қаратилган бир қатор муҳим тadbирларни ўтказиб келмоқда.

Хусусан, энергияни тежаш ва муқобил энергетикани жорий этиш Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 2013 йил — «Обод турмуш йили»даги фаолиятининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Мазкур вазифалар доирасида партия ва «Ўзбекэнерго» ДАК ҳамкорлигида ҳудудий партия ташкилотлари ўртасида «Муқобил энергиянинг энг фаол тарғибчи» республика кўрик-танловини ўтказиш ташаббуси эълон қилинганлиги бунинг яққол далилидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси томонидан «Ўзбекэнерго» ДАКнинг «Энергетика тизимини тубдан техник қайта жиҳозлаш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва мамлакатнинг барча минтақаларини энергетика ресурслари билан узлуксиз таъминлаш чора-тadbирлари

ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари, соҳани ривожлантириш дастури ва соҳа корхоналари фаолиятини тартибга солиш, энергияни ишлаб чиқариш, уни узатиш, сотиш билан машғул бўлган энергетик корхоналар билан истеъмолчилар, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи «Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Айни дамда энергетика тизимидаги ишлаб чиқариш қувватлари қабул қилинаётган ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш учун етарли. Бироқ ҳаётнинг ўзи ноанъанавий муқобил энергия манбаларини ривожлантириш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Компаниямиз томонидан энергетика тизимини тубдан техник қайта жиҳозлаш, унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш ва аҳолининг электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш борасида бир қатор амалий ишларга кўл урилмоқда, — деди «Ўзбекэнерго» ДАК раиси ўринбосари Музаффар Ҳакимов. — Хусусан, 2013 йилнинг 9 ойи мобайнида компания бўйича то-

тган амалий чора-тadbирларга алоҳида эътибор қаратишди.

Эътироф этилганидек, Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши Ўзбекистонда қайта тикланувчан энергия манбаларини кенг жорий этиш имконини бермоқда.

«Ўзбекэнерго» компанияси томонидан муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ижтимоий соҳа объектига компаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан қўйилган энергиясидан фойдаланувчи қурилмалар, фотоэлектрик панел ва коллекторлар ўрнатилди. Фарғона ва Наманган шаҳридаги меҳрибонлик уйлари, Андижон шаҳридаги «Кам қонли болаларни соғломлаштириш уйи»га ўрнатилган қурилмалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, қишлоқ врачлик пунктларининг электр таъминотини яхшилаш ва уларни иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида Хоразм вилоятининг айрим туманларидаги ўрта қишлоқ врачлик пунктларига қўйилган батареялари ўрнатилди.

Шу билан бир қаторда, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва олий ўқув юртлигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент давлат техника университетининг Энергетика факультети қошида Энергия тежамкорлиги ва муқобил энергия манбалари марказининг илмий-ўқув лабораторияси яратилди. Бу борадаги чора-тadbирларни амалга ошириш асосида Энергетика факультети ҳудудда иккита қўйилган электр станциясининг модули ва иккита шамол қурилмаси ўрнатилди.

Компания корхоналарига бириктирилган касб-хунар коллежларида муқобил энергия манбаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида қатор чора-тadbирлар амалга оширилди. Хусусан, Тошкент иссиқлик электр станциясига бириктирилган Қўбрай энергетика касб-хунар коллежи, Бухоро электр тармоқлари бириктирилган Бухоро вилоятининг Шофиркон саннат ва ижтимоий-маиший касб-хунар коллежи, Тахиташ иссиқлик электр станциясига бириктирилган Тахиташ энергетика касб-хунар коллежиди, Фарғона иссиқлик электр марказига бириктирилган Фарғона саннат коллежларида ўқув лабораториялари ташкил этилди ва фойдаланишга тоширилди.

Ўзбекистонда муқобил энергия манбалари соҳасидаги қонунчиликнинг ривожланиши, биринчидан, иқтисодиётнинг узлуксиз барқарор ривожланишини таъминлашга, иккинчидан, аънавий энергия манбаларининг тежаллиши ҳамда энергия таъминотининг барқарорлигига, учинчидан, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу соҳага янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга, бешинчидан, атроф-муҳитга зарарли газлар ташланшининг камайишига ҳамда бу орқали Ўзбекистон Республикасининг табиати муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартномалардаги мажбуриятларининг бажарилишига имкон яратди.

Йиғилишда фракция аъзолари сайловчилардан тушяётган мурожаатлардан келиб чиқиб, компания вакилларига жойлардаги энергия таъминоти билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзларининг савол ва тақлифларини илгари сурдилар.

Йиғилиш кун тартибидидаги масала юзасидан иштирокчилар томонидан бир қатор тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи-назари белгилаб олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Илёс САҲАТОВ,
«Adolat» мухбири

Халқ ишончини қозониш

амалий ишларимизда намоён бўлсин

«Давоми. Бошқ 1-бетда»

Айни вақтда халқ депутатлари Янгиариқ туман кенгашида Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган 6 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Демак, масъулия ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Маълумки, парламент томонидан бу йил бир қатор қонунлар қабул қилинди. Маҳаллий кенгашлар депутатлари бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришди. Аммо бунинг маъноси таъбирга айланмастмасдан, қонунлар ижроси масаласини доимо назоратга олишимиз керак.

Бошқача айтганда, янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини қанча кенг тарғиб қилсак, электротарат учун шунча имконият яратилади, улар ижросини назорат қилиш ҳам осонлашади.

Зеро, жойларда қонун устуворлигини таъминлаш ва уларнинг қатъий ижро этилиши устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатиш партияимиздан сайланган халқ вакилларининг асосий вазифасидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз-

ки, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишга қаратилган тарғибот тadbирларимизнинг таъсирчанлиги таъминланаётганлиги туфайли депутатлик гуруҳимиз номига фуқаролардан тушяётган мурожаатлар сони охири бормоқда. Фуқаролар қабулхонасининг ташкил этилиши туфайли ўтган йили сайловчилардан 250 та турли маззуларда ёзма ва оғзаки мурожаатлар келиб тушган бўлса, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу кўрсаткич 200 тани ташкил этганлигини кузатиш мумкин. Хар бир мурожаат, у қандай масалада бўлмасин, депутатлар назаридан четда қолаётгани йўқ. Мурожаатларнинг аксарияти ижобий ечим топаётганлиги аҳолининг депутатлар фаолиятига ишончини оширмоқда.

Масалан, Янгиариқ туманидаги «Чиқирчи Ангарик» МФЙ фуқаролари томонидан мазкур ҳудудга қарашли маҳалла гузарининг ноқонуний сотиб юборилгани, унинг маҳаллага қайтариллишида амалий ёрдам сўраб қилган мурожаатлари чуқур ўрганилиб, депутатлик сўро-

ви асосида ижобий ҳал этилди.

Бундан ташқари, депутатларимиз халқ депутатлари туман кенгаши сессиялари кун тартибига бир қатор тақлифларни киритишга муваффақ бўлганликларини таъкидлаш жоиз. Халқ депутатлари Янгиариқ туман кенгаши депутатлари томонидан давлатимиз раҳбарининг «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Фармони ижросига оид масалани навбатдаги сессия кун тартибига киритишга тайёрланаётгани ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон «Адолат» СДП Янгиариқ туман кенгаши депутатлари ҳамда унинг барча фаоллари «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлар ҳамда партия Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар асосида ўз фаолият самарадорлигини янада оширишга интиляпти.

Абдулла САПАЕВ,
халқ депутатлари Янгиариқ туман кенгаши депутати



тўғрисида»ги ахборотини тинглашга бағишланган йиғилиши ҳам шу соҳадаги дастурий вазифалар ижросига қаратилди.

Тadbирни кириш сузи билан очган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари С.Турсунов таъкидлаганидек, электр энергетика соҳаси барча давлатлар иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам истиклолнинг дастлабки кунларидан соҳага Юртбошимиз томонидан катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчилар қаторида республикамизда «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги қонун қабул қилингани ҳам бунга мисол бўла олади.

Ўтган йиллар давомида соҳага доир бир қатор норматив-

вар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми соҳа бўйича амалдаги нархларда 3332,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Истеъмолчиларга 32,3 млрд. кВт/соат ҳажмида электр энергияси етказиб берилди.

Жорий йилнинг 9 ойлик якунлари бўйича 7 та объектда қурилиш ишлари якунланди. Айни пайтда тизимдаги электр ва иссиқлик станцияларида модернизациялаш ишларининг олиб борилаётганлиги, Юртбошимиз ташаббуси билан Тўрақўрғонда замонавий иссиқлик электрстанциясини қуриш лойиҳасининг амалга оширилишига келажақда аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Мажлисида фракция аъзолари мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини ҳаётга жорий этиш борасида компания томонидан олиб борилаёт-

ган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми соҳа бўйича амалдаги нархларда 3332,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Истеъмолчиларга 32,3 млрд. кВт/соат ҳажмида электр энергияси етказиб берилди.

Жорий йилнинг 9 ойлик якунлари бўйича 7 та объектда қурилиш ишлари якунланди. Айни пайтда тизимдаги электр ва иссиқлик станцияларида модернизациялаш ишларининг олиб борилаётганлиги, Юртбошимиз ташаббуси билан Тўрақўрғонда замонавий иссиқлик электрстанциясини қуриш лойиҳасининг амалга оширилишига келажақда аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Мажлисида фракция аъзолари мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини ҳаётга жорий этиш борасида компания томонидан олиб борилаёт-

Йигирма йиллик самарали ҳамкорлик

Пойтахтимиздаги «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Германиянинг «Lufthansa Technik AG» авиакорхонаси ўртасида ҳамкорлик ўрнатилганининг йигирма йиллигига бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик самарасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси фуқаро авиацияси соҳасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Истиклол йилларида, хусусан, самолётлар авиапарки босқичма-босқич янгилашиб, бириктирилмоқда. Моддий-техник базаси мустаҳкамлабни, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда. Айниқса, ҳаво кемаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Компания таркибидидаги «Uzbekistan airways technics» авиаътаъмирлаш корхонаси жаҳон талабларига мос техник ва таъмирлаш хизматини кўрсатмоқда. Доимий мижозлар — «Урал авиалиниялари», «Россия» давлат транспорт корхонаси, «SCAT», «VimAvia», «Татаристон», «Чехия авиалиниялари» ва бошқа авиакомпаниялар ўз самолётларини таъмирлаш учун ушбу корхонага мурожаат қилаётгани ҳам шундан далолат беради. Бунда «Lufthansa Technik AG» корхонасининг хизмати катта.

хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш ишлари бўйича ўқитилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тян, «Lufthansa Technik AG» авиакорхонаси катта вице-президенти Вальтер Хердт ва бошқалар самолётларга техник хизмат кўрсатиш бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тян, «Lufthansa Technik AG» авиакорхонаси катта вице-президенти Вальтер Хердт ва бошқалар самолётларга техник хизмат кўрсатиш бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг мижозларини таъминлаш бўйича ўттиздан зиёд филиал ва қарийб 26000 нафар ходимга эга «Lufthansa Technik AG» компанияси авиация саннатининг йирик ишлаб чиқарувчиларидан ва мустақил хизмат кўрсатувчи компаниялардан бири. «Lufthansa Technik AG» авиация техникани ишлаб чиқариш ва таъмирлаш билан шуғулланган халқаро лицензияга эга

корхонадир. Компания ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш, капитал таъмирлаш, двигател ва бутловчи қисмларини ўзгариштириш ҳамда модернизация қилиш каби кенг турдаги хизматларни кўрсатмоқда.

«Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг мижозларини таъминлаш бўйича ўттиздан зиёд филиал ва қарийб 26000 нафар ходимга эга «Lufthansa Technik AG» компанияси авиация саннатининг йирик ишлаб чиқарувчиларидан ва мустақил хизмат кўрсатувчи компаниялардан бири. «Lufthansa Technik AG» авиация техникани ишлаб чиқариш ва таъмирлаш билан шуғулланган халқаро лицензияга эга

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

Ахборот ва сўз эркинлиги

адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш гарови

Депутат минбари

Мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс. Шу боис истиқлол йилларида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Матбуот соҳасида иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг юртимиз тараққиётида тобора мустақам ўринга эга бўлиб бориши, барча соҳалардаги ислохотларнинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини, янги жамият куриш йўлида эришган ютуқларимизни ҳолис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ўнга яқин қонун ҳужжатлари, айниқса, Конституция фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўйбга чиқариши, ахборотнинг муҳофазаси қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим кафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Бош Қомиссиянинг 67-моддасида "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди".

Соҳа ривожини йўлга қўришда муҳим бўлаётган гамхўрлик натижа-

сида кейинги ўн йилнинг ўзида босма нашрлар сони икки, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса етти баробар ошди.

Оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни ривожлантириш натижасида Ўзбекистонда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг икки юзга яқин мамлакатига қарийб ўттиз йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Мамлакатимизда ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, медиа-соҳага бозор механизми босқичма-босқич жорий этиш, унинг моддий-техника базасини янада мустақамлашга доир узоқ муддатли лойиҳаларни амалга оширишни таъминлайдиган, демократик талаб ҳамда стандартларга мос қонунчилик базасининг яратилгани ушбу йўналишда муҳим ўрин тутаяпти.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот воситаларини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ислоҳ этиш, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташқиқий, моддий ва маънавий имкониятларни яратишга оид масалалар юзасидан аниқ ва-



зифалар белгилаб берилган. Мазкур ҳужжат асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва иқтисодий эркинлигини мустақамлаш, модернизация қилиш ва ривожлантиришга доир истиқболли лойиҳа ва дастурларни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқирилиб, амалга ошириляпти.

Бу каби чора-тадбирлар Ўзбекистон «Адолат» СДП зиммасига ҳам масъулият юклайди. Чунончи, ОАВ эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги бошқарувда ошқоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш борасидаги партияимиз дастурий гоёларининг ижтимоий ҳаётда ўз ифодасини топишига хизмат қилади. Қолаверса, ушбу принципларни таъминлашга қаратилган давлат дастурларини, жумладан, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини жадаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид муҳим масалалар ечимига оид қарорлар қабул қилиш, уларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат этиш жараёнида жамоатчиликнинг фаол иштирок этишини таъминлашда ОАВнинг ўрни ва роли катта.

2016 йилларга мўлжалланган, босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг иқтисодий мустақиллиги ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш, модернизация қилиш ва ривожлантиришга доир истиқболли лойиҳа ва дастурларни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқирилиб, амалга ошириляпти.

Бу каби чора-тадбирлар Ўзбекистон «Адолат» СДП зиммасига ҳам масъулият юклайди. Чунончи, ОАВ эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги бошқарувда ошқоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш борасидаги партияимиз дастурий гоёларининг ижтимоий ҳаётда ўз ифодасини топишига хизмат қилади. Қолаверса, ушбу принципларни таъминлашга қаратилган давлат дастурларини, жумладан, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини жадаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид муҳим масалалар ечимига оид қарорлар қабул қилиш, уларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат этиш жараёнида жамоатчиликнинг фаол иштирок этишини таъминлашда ОАВнинг ўрни ва роли катта.

Мамлакатимизда соҳа ривожига қўрсатилаётган улкан эътиборни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Олтин қалам" Миллий мукофотини жорий этиш ҳамда уни халқаро танлов даражасига олиб чиқиш йўлини танлаганидан ҳам англаш мумкин. Зеро, ушбу мукофот миллий ва халқаро журналистиканинг энг яхши ютуқларини кенг омалаштириш, ОАВ ҳодимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш янгича ёндашувларни шакллантиришга хизмат қилиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ОАВ тараққиёти йўлидаги чора-тадбирларнинг асл моҳияти фуқаролик жамиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг мустақил шаклланиши, ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларини тартибга солишда очиқликни ҳамда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Зотан, бу ислохотларнинг мустақам пойдевори, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир.

Раъно ГАИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Партия ўзининг сайловолди дастурида, аввало, келгусида ҳам бошқарувда ошқоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш зарурлигини илгари суради.

(Ўзбекистон "Адолат" СДП сайловолди дастуридан)

Бошқарувда ошқоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик сари

Давоми. Бошқ. 1-бетдан

Парламентнинг куйи палатасида Президентимизнинг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисида"ги Фармойишига мувофиқ ташкил этилган ишчи комиссиянинг мажлисида шулар хусусида сўз борди.

Кун тартибида асосий эътибор қонун лойиҳаси нормалари синови бўйича ташкил этилган ҳуқуқий эксперимент жараёни, жумладан, бу борада учинчи чорада бажарилган ишлар яқунлари сарҳисобига қаратилди ҳамда кўзда тутилган тадбирларни ўтказиш самарадорлигини янада кучайтириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқирилиб, яқунги босқичдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери, Ишчи комиссия раҳбари Д.Тошмухамедова таъкидлаганидек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган гоёлар, тақдирлар ҳамда қонунчилик ташаббуслари босқичма-босқич амалга татбиқ этилаётгани, буларнинг барчаси юртимизда демократик янгилашни, ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш борасидаги ютуқларимиз манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўзга чиққанлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда мазкур ҳуқуқий тажриба муҳим омил бўлаётганини таъкидлашди. Хусусан, ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат органларида мувожаатлари сони кескин ошгани ўтказилаётган экспериментнинг самарадорлиги, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига ишончи ошганлигидан далolatдир. Ҳуқуқий эксперимент амалга оширилиши мобайнида фуқаролар, ННТ, оммавий ахборот воситалари томонидан Самарқанд вилояти ҳокимлигига 274 та, шаҳар ва туман ҳокимликларига 368 та, ташкилот ва корхоналарга 2194 та, Бухоро вилояти ҳокимлигига 183 та, шаҳар ва туманлар ҳокимликларига 316 та, корхона ва ташкилотларга 1014 та сўров келиб тушган. Уларнинг 91 фозизи қаноатлантирилиб, ахборотдан фойдаланувчиларга тегишли жавоблар қайтарилган, қолган сўровлар эса кўриб чиқилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида эса жа-

моатчиликни хабардор қилиш мақсадида давлат органларининг фаолияти тўғрисида ахборотлар чоп этиб борилаётди. Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаевнинг айтишича, медиа-режалар ижросига алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, ОАВда давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари томонидан Самарқанд вилоятида 224 та, Бухоро вилоятида 146 та материал берилган.

Мажлисида эксперт ва мутахассислар томонидан ҳуқуқий тажриба жараёнларини ўзида акс эттирган марказий ва худудий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материаллар таҳлил этилди. Ҳуқуқий экспериментнинг мақсад ва вазифаларини самарали бажариш юзасидан фаолиятни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Шунингдек, тадбирда Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликларининг масъул ходимлари ҳуқуқий эксперимент бўйича қўрилган чоралар ва амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот беришди. Уларнинг фикрича, олиб борилган саёй-ҳаракатлар натижасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг очиқлигини таъминлаш соҳасидаги билим савияси ошган, матбуот анжуманлари, брифинглар, очиқ мулоқотлар сингари тадбирлар сони ҳамда сифати ҳам яхшиланиб бормоқда, уларда ОАВлари ҳодимлари қатори фуқаролик жамияти институти вакиллари, аҳолининг кенг қатламларида қатнашиш истаги кучайиб бормоқда. Аини пайтда ҳуқуқий эксперимент субъектларида ахборот очиқлигини техник жиҳатдан таъминлаш даражаси ошган.

Мажлисида ҳуқуқий экспериментнинг мақсад ва вазифаларини янада самарали бажариш юзасидан фаолиятни кучайтириш, ахборот-кутубхона ва архив фондларига ахборотни ўз вақтида ҳамда тўлиқ тақдим этиш, интернет тармоғида расмий сайтлар фаолиятини таъминлаштириш, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровларини қайта ишлаш бўйича ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолиятининг сифатини яхшилаш масаласи ҳам тўхталди. Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг очиқлигини таъминлаш соҳасида давлат стандартини ишлаб чиқиш ташаббуси муҳокама этилиб, қўллаб-қувватланди.

Ўз мухбиримиз

Экологик назорат

соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари такомиллаштирилди

Партия фаолига кўмак

Фракцияимизнинг навбатдаги йиғилишида муҳокама этилган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси экологик назорат самарадорлигини ошириш, давлат муассасалари, фуқаролик институтларининг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, самарали экологик назоратни амалга оширишда, атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муҳим давлат дастурларини ҳал қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролин мустақамлашга қаратилган. Лойиҳа Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар асосида ишлаб чиқилган.

Жорий йилнинг 4 июлида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда Қонунчилик палатаси мажлисида қабул қилинганидан кейин у кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтди. Утган давр мобайнида ҳуқуқий ҳужжат матбуотда эълон қилиниб, идора ва ташкилотларнинг интернет тармоғидаги тегишли веб-сайтларига жойлаштирилди. Таъкидлаш жоизки, жойларда ўтказилган қонун лойиҳаси муҳокамаларида партияимиз фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашиларида-

ги депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳам иштирок этиб, электрон манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳужжатни такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар киритишди. Утган давр мобайнида мингдан ортқ таклиф ва мулоҳазалар келиб тушган бўлса, уларнинг 200 дан зиёди сиёсий партиялар фракциялари томонидан киритилди.

Шу жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси томонидан атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда нодавлат



нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ролин ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

"Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасида мазкур жабҳада фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада кучайтиришга доир механизмлар белгилаб берилаяпти. Соҳадаги қонунчиликни бузганлик учун давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари мансабдор шахслари масъулиятини кучайтиришни таклиф этамиз. Бу партияимизнинг устувор мақсадлари, яъни жамиятда ижтимоий адолат тамойилларини татбиқ этиш, экологик муаммолар, хусусан, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигини ҳимоя-

лаш каби мақсадларига жавоб беради.

Таъкидлаш жоизки, биринчи ўқишга 4 та боб ва 34 моддадан иборат ҳолда киритилган қонун лойиҳаси уни маромига етказиш ишлари амалга оширилгандан кейин иккинчи ўқишда 4 та боб ва 27 та моддага келтирилди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатни маромига етказиш жараёнида экологик назоратнинг асосий вазифалари ва экологик назорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари такомиллаштирилди, экологик назоратнинг турлари, уларни амалга ошириш тартиби, натижаларини расмийлаштириш усуллари ҳамда рўйбга чиқариш шакллари аниқлаштирилди. Шу билан бир қаторда, эко-

логик назоратнинг субъектлари бўлган жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари белгиланди. Экологик назоратнинг жамоат инспекторлари ваколатлари, улар фаолиятини ташкил этиш тартиби, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг жамоат инспекторлари тизимини шакллантиришга кўмаклашиш борасидаги вазифалари аниқлаштирилди. Жамоат инспекторларига экологик назоратнинг бошқа турларида қузатувчи сифатида қатнашиш, юридик ва жисмоний шахслар томонидан атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши, табиий ресурслардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланилиши устидан қузатувни амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Шубҳасиз, мазкур қонуннинг қабул қилиниши экологик назорат самарадорлигини оширишга, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муҳим давлат дастурларини амалга оширишдаги роли ва ўрнини кучайтиришга хизмат қилади.

Тўлқин АБДУСАТТОРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП СИЁСІЙ КЕНГАШИ МАРКАЗІЙ АППАРАТИ

кўкрак нишонлари, стол байроқчалари, хизмат гувоҳномалари тайёрлаш учун ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

телефон/факс: 288-46-64 (111); 288-42-08 (110).
e-mail: info@adolat.uz

Партия ҳаёти

ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Масъулият

сиёсий ҳаракатнинг янги услуб ва шакллари топишга ёрдам беради

Фаолият

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларига янада кучлироқ таъсир кўрсатиш мақсадида ННТлар билан ижтимоий шериклик муносабатларини кенгайтиришга Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг шаҳар, туман партия кенгашлари қай даражада масъулият билан ёндашмоқдалар? БПТларнинг ҳисобот йиғилишларида партия кенгашлари раислари ва депутатлар иштирокини таъминлаш қўйи бўғин фаолиятининг долзарб йўналишларини аниқлаш ва таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаяптими? Депутатлик гуруҳларининг маҳаллий Кенгашлар муҳокамасига олиб чиқаётган тақлифлари партиянинг дастурий мақсадларини тўла ифода этаяптими?

Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти Кенгаши ижроия қўмитасининг мажлисида кенгаш томонидан шаҳар, туман партия кенгашлари зиммасига юклатилган шу каби устувор вазифаларнинг бажарилиши муҳокама этилди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан партия вилоят Кенгаши раиси М.Бобоевнинг маърузаси тинланди. Таъкидландики, партиянинг вилоят, шаҳар ва туманлар кенгашлари "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Х пленуми талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятлариغا нисбатан масъулиятни оширишга, амалий ишлар доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шаҳар ва туманлар партия кенгашларида ўтказилган пленумларда партиявий фаолиятнинг шакли ва усулларини янгилаш бўйича асосий йўналишлар дастури ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Дастур ўз ичига сиёсий фаолиятга оид таҳлилий материаллар асосида туман ва шаҳар партия кенгашлари ишини янада кучайтириш, вилоятда амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёни-

лариди уларнинг иштирокини тўлақонли таъминлаш, электорат билан ҳамкорлик натижаларини янада мустаҳкамлаш сингари вазифаларни қамраб олган. Вилоятнинг Қўшработ, Пахтачи, Ургут туманлари партия кенгашларида ўтказилган пленумлар сиёсий мақсад-вазифаларга ҳозиржавоблиги ва таъсирчан шаклда олиб борилгани партиявий фаолиятни такомиллаштиришга, уни янгича мазмун, ҳулосалар билан бойитишга ҳизмат қилмоқда. Мазкур ҳудудий партия кенгашлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан алоқаларни мустаҳкамлаб ижтимоий ҳаётга оид кўпгина долзарб муаммоларга ечим излашдаги эътиборга лойиқдир. Партия кенгашлари раислари ва фаолларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очкидигини таъминлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси синови бўйича Самарқанд вилоятида ўтказилган ҳуқуқий эксперимент жараёнида мустақил фикр ва ташаббуслар билан иштирок этишга эътибор берилди. Шунингдек, партия ички интизомини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар ҳам мажлис иштирокчилари томонидан атрафлича муҳокама этилди. Музокараларда партиянинг Ургут, Пастдарғом, Самарқанд туманлари кенгашлари раислари Р.Эсонов, Х.Ҳайитова, З.Кудусова ва бошқалар партия ишини янада такомиллаштириш

лоятдаги "Олима аёллар" уюшмаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси" сингари жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини ўрнатилиш ва мустаҳкамлаш юзасида эътибор берилди. Шунингдек, партия ички интизомини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар ҳам мажлис иштирокчилари томонидан атрафлича муҳокама этилди.

Музокараларда партиянинг Ургут, Пастдарғом, Самарқанд туманлари кенгашлари раислари Р.Эсонов, Х.Ҳайитова, З.Кудусова ва бошқалар партия ишини янада такомиллаштириш



бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Тадбирда шаҳар, туман партия кенгашларининг ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганини яхшилаш мақсадида бир қатор туман кенгашларига компьютер, алоқа жиҳозлари топширилди. Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Тадбирда шаҳар, туман партия кенгашларининг ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганини яхшилаш мақсадида бир қатор туман кенгашларига компьютер, алоқа жиҳозлари топширилди. Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Зоҳир Тўрақулов, «Адолат» мухбири

Билимдон аёллар танлови

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг баркамол авлод тарбиясидаги масъуллигини кучайтириш давлат сиёсатининг энг устувор масалаларидан бири сифатида белгиланган. Бугун эса ўтган 22 йилда эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, аёлларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шубҳасиз, мазкур жараёнда сиёсий партиялар иштироки муҳим ўрин тутди. Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам ўз дастуридан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чўқур билим ва касб маҳоратига эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаш жоиз. Аини шу дастурий мақсад ва вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида жойларда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан партия аъзолари бўлган хотин-қизлар ўртасида "Партиянинг оқила аёли — 2013" кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Мазкур кўрик-танлов орқали партия ташкилотларида фаолият юритаётган фаол, изланувчан-интилувчан, атрафдоғиларга ҳар томонлама ибрат, намуна бўладиган хотин-қизларни рағбатлантириш билан бирга, иштирокчилар орасидан келгусида давлат ҳокимияти органларига кўрсатиш мумкин бўлган номзодларни саралаб олиш, шу аснода партия тизимидаги захира кадрлар таркибини фаол аёллар ҳисобига кўпайтириш ҳам асосий мақсад қилиб қўйилган. Аънавий равишда ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов иштирокчиларнинг мамлакатимиз сиёсий тизими тўғрисида билимга эгалиги, сиёсий партияларга оид миллий қонунчилик ва халқаро тажрибадан хабардорлиги, лидерлик ва нотиклик қобилияти, айниқса, жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа-ҳодисалардан қанчалик хабардорлиги, фаол фуқаролик позициясига эгалигининг инobatга олиниши партияимиз сафидаги хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини янада юксалтиришга туртки бўлмоқда.

Аини пайтда кўрик-танловнинг вилоят босқичлари қизгин паллага кирган. Танловнинг куни кеча бўлиб ўтган Бухоро вилояти босқичи ҳам кўтаринки ва байрамона руҳда ташкил этилди. Танлов шартлари бўйича иштирокчи аёллар ўзи яшаётган ҳудуд тарихи, санъати, маданияти, анъаналари, урф-одатлари, ўзига хос хусусиятлари, миллий таомлари ва ўз оиласи тўғрисида маълумот беришлари, партиянинг мақсад ва вазифаларини билишлари, ўларнинг ижодига тегишли бўлган наشر этилган мақола, шеър, китобларни, ижро этадиган кўлик ва рақсларини намойиш этиб беришлари керак эди.



Ҳайъат аъзолари вилоят босқичида қатнашган 11 нафар партия аёллари орасидан юқорида келтирилган шартларга юксак даражада жавоб бера олган Ўзбекистон "Адолат" СДП Вобкент туман кенгаши аъзоси Шохид Умаровани кўрик-танловнинг ғолиби, деб эълон қилинди.

Шавкат КОМИЛЖОНОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилояти Кенгаши матбуот котиби

Кўрик-танловнинг Сирдарё вилояти босқичида ҳам туман босқичларидан сараланиб келган истеъдодли аёллар танлов шартлари бўйича ўз қобилият ва иқтидорларини намойиш этишди.

— "Обод турмуш йили" Давлат дастурида назарда тутилган хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётида тугган ўрнини янада мустаҳкамлаш, уларни тадбиркорлик ва касаначиликка жалб этиш, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий онгини янада юксалтириш ва айниқса, доимий бандлигини таъминлаш юзасидан самарали вазифалар бажарилмоқда. — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти Кенгаши раиси А.Ибодуллоев. — Мазкур танлов ҳам Давлат дастури ижросини таъминлашдаги яна бир амалий тадбир бўлмоқда. Танловни кузата туриб шу нарсага амин бўлдими, ҳар бир иштирокчи жуда пухта тайёргарликка эга бўлиб, умуман ёши, мутахассислигидан қатъий назар ижтимоий-сиёсий қўнғимларининг юксак даражада эканлиги, жамият ҳаётининг ҳар бир ўзгариши, ҳар бир ислохотларга ўзини дахлдор, деб ҳис қилиши мени қувонтирди. Қолаверса, иштирокчилар орасида чет тилларни мукамал билидиган, бу борада ёш авлодга сабоқ бериб келаётган фаол аёлларнинг ҳам борлиги янада аҳамиятлидир.

Ҳайъат аъзоларининг ҳулосаларига кўра, Гулистон шаҳар партия кенгаши раиси Д.Абдуллаева фахрли 1-ўринни кўлга киритиб, республика босқичига йўланма олди. Танловнинг совринли 2-ўрини Боёвут тумани вақиласи С.Жўраевага, 3-ўрин Ховос туман кенгашининг ёш иштирокчиси Н.Ҳамидовага насиб этди.

Шухратжон ҲАСАНОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти Кенгаши матбуот котиби

Кўрик-танловнинг Сурхондарё вилоят босқичида ҳам партиянинг энг фаол, фидойи аёллари муросасиз беллашув олиб бориб, сиёсий, ҳуқуқий билимларини яна бир бор синовдан ўтказиш баробарида, истеъдод ва иқтидорларини намойиш этдилар.

Танлов якунига кўра, Қизилқум тумани иштирокчиси Дилбар Азизова биринчи ўринга, Термиз шаҳридан Шахло Ражабова иккинчи ўринга ҳамда Термиз туманидан Гўзал Ямбова учинчи ўринга муносиб, деб топилди. Ҳайъат аъзолари партиянинг вилоят Кенгаши томонидан фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шунингдек, "Партиянинг оқила аёли — 2013" кўрик-танлов шартларига шерободлик Дилфуза Чориева, музрободлик

Сайёра Бердиева, жарқўргонлик Малика Исмоилова, узунлик Дилдора Мухаммедиеваларнинг моҳирлик, уздабуронлик, зеҳнлик билан берган жавоблари ҳайъат аъзолари томонидан адолатли баҳоланиб, кўрик-танловнинг энг фаол иштирокчи номини таъминлашга лойиқ топилди.

Райҳон ЖУМАЕВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот котиби

Электоратимиз

вакиллари


ҳамиша эътиборда

Тадбир

"Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси мамлакатимизда шифокорлар байрами сифатида белгилаб қўйилган. Саломатлик посбонларининг касб байрами бу йил ҳам юртимиз бўйлаб кенг нишонланди.

корлик касбини эъзозлаб, эл саломатлиги йўлида фидойилик намуналарини кўрсатиб келаётган бир қатор партияимиз фаолларига шаҳар партия Кенгашининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

— Тиббиёт тизими ва соҳа ходимларига давлат даражасида эътибор қаратилаётган бир пайтда партиядошларимиз томонидан бизларга кўрсатилган бу ка-



Ушбу тадбир халқимиз саломатлигини муҳофазалаш йўлида самарали меҳнат қилаётган шарафли ва масъулиятли касб эгалари — тиббиёт ходимларини фаолиятига берилётган юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Шу маънода, ушбу сана тиббиёт ходимларини электоратининг асосий қатламларидан, деб ҳисобловчи Ўзбекистон "Адолат" СДП ва унинг ҳудудий ташкилотларини ҳам бефарқ қолдирмади. Боиси партия ўз дастурида аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори эканлиги, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтиришини маълум қилган.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари сингари тиббиёт тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимиз саломатли-

гини мустаҳкамлаш, профилактика, диагностика ва даволал ишлари самардорлигини оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган ютуқларда эл саломатлигини асраш йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган шифокор ва тиббиёт ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Ислохотлар жараёнида ушбу шарафли ва масъулиятли касб эгалари фаолиятини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шифокорлик касбини эъзозлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Шу мақсадда Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан шаҳардаги бошланғич партия ташкилотлари тузилган деярли барча тиббиёт муассасаларида электоратимиз вакилларига эътибор кўрсатиш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этилди. Шифо-

би юксак эътибор ва ғамхўрликдан ҳам бошимиз осмонга етди, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси Махбуба Арифонова. — Албатта, биз тиббиёт ходимлари ушбу эътиборга муносиб бўлишга, мамлакатимиз тиббиёт тизимини ислоҳ қилишга қаратилган дастурлар ҳамда соҳага оид қонунлар, Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармонларида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни камолга етказишдек ҳайрли вазифаларга муносиб улуш қилиш йўлида бор имкониятларимизни ишга солашимиз.

Бобир ОТАМУРОДОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби

Сафларимиз кенгаймоқда

Аини пайтда Тошкент вилоятида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 320 та қўйи ташкилоти ўз атрофига 9610 нафардан зиёд аъзони бир маслак йўлида бириктирган. Қўйи бўғин аъзолари мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида фуқаролар тафаккури ва сиёсий дунёқарашини кенгайтириш, бу жараёнда тарғибот-ташвиқотнинг самарали усулларидан фойдаланиш муҳим эканини яхши англамоқдалар. Бусиз кўзланган мақсадларга тўла эришиб бўлмайди.

Табиийки, жамиятимизда сиёсий партияларнинг мавқеи тобора мустаҳкамланаётган. Улар аҳолини, жумладан, ёшларни ғоявий тарбиялашда катта имкониятларга эгадир. Тошкент вилоятидаги БПТ фаоллари ҳам шуни назарда тутиб, кўпроқ аҳоли орасида бўлиш, сиёсий тадбирлар самардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бунда БПТ етакчилигининг ташкилотчилик қобилияти ниҳоятда муҳим аҳамият касб этаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, аҳоли орасида обрў-эътибори тобора юксалиб бораётган партияимиз хайрихоҳлари сафи янада кенгаймоқда.

Бўша туманидаги «Сувоқова» шўба ишлаб чиқариш корхонаси қошидаги БПТ ташкил этилганига кўп бўлмаганига қарамай, ўз аъзолари сонини оширишга муваффақ бўляпти. Яқинда вилоят партия Кенгаши томонидан корхонада ўтказилган тадбир сўнггида 30 нафар фаоллар сафи яна 5 нафар маслакдошлар ҳисобига кенгайди.

— Аҳоли орасида партиянинг дастурий ғояларини тарғиб қилиш ва келгуси сайловларда

фаол қатнашиш учун жойларда қўйи бўғинларни кўпроқ ташкил этишга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ, — дейди Бўша туман партия кенгаши раиси Т.Жўраев. — Ўз навбатида, бошланғич партия ташкилотлари сафини фаол ва ташаббускор, партияимиз ғояларига содиқ, жонқуяр аъзолар ҳисобидан кенгайтириш лозим. Чунки, аъзоларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришда, партиянинг халқчил ғояларини ҳаётга татиқ этишда БПТ фаолларининг ўрни беқиёсдир. Жойларда партия қўйи бўғинини ташкил этиб, унинг ғояларини тарғиб қилиш, шунингдек, муносиб бўлган янги аъзоларни сафимизга жалб қилиш орқали ҳудуддаги муаммоларни масалаларни ўрганиш ва уларнинг ечимига оид амалий тақлифларни ишлаб чиқишда жонқуярлик кўрсатган, янги ташаббуслар билан чиққан бошланғич ташкилот фаолларини кўллаб-қувватлаш фаолиятимиз мезонига айланиши лозим.

Тадбир давомида туман «Сувоқова» корхонасининг энг фаол ишчи-хизматчиларини жамлаган мазкур БПТ аъзоларига ўз фаолиятларидан келиб чиқиб, аввало, аҳолининг коммунал соҳадаги муаммоларига ечим топиш, электорат манфаатини самарали ҳимоя қилишга қаратилган ҳаётий тақлифларни илгари суриб ва уларни амалга ошириш йўлида бажарилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан тегишли тавсиялар билдирилди.

Азиза ҚУРБОНОВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот котиби

Элга мададкор тадбиркор

Партиядошларимиз фаолиятдан

Аҳмад Раҳматовни Вобкент туманида ишнинг кўзини билдирган, тиниб-тинчимас тадбиркор сифатида яхши билишади. Мана уч йилдирки, у «Жамол» масъулияти чекланган жамиятига раҳбарлик қилади. Дастлаб қурилиш ишлари билан шуғулланган жамият жорий йилнинг бошида ўз устав жамғармасини 260 миллион сўмга шакллантириб, Италия давлатидан 2 дона замонавий тўқув дастгоҳлари келтириб ўрнатди. Ушбу дастгоҳлар бир кеча-кундузда 8 тонна калаваипни қайта ишлаб, ҳам сурп тўқиш қувватига эга. Бугун бу ерда 10 нафар маҳаллий ёшлар учун муҳим иш ўринлари яратилган. 8 нафар хотин-қизлар эса жамият билан тузилган шартномага мувофиқ касаначилик асосида иш олиб боришади.

Шунингдек, жорий йилда тадбиркор ўз фаолият турларини кенгайтириш мақсадида молия муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Бу ҳамкорликнинг самараси ўларок, Миллий банкнинг туман филиали томонидан тадбиркорга тикув машиналари сотиб олиш мақсадида 200 миллион сўм миқдоридаги кредит ажратилди. Жамият ўзининг тикув цехига ҳам эга бўлди.

— Тикув цехида сўнгги юмушлар амалга ошириляпти, — дейди биз билан суҳбатда тадбиркор Аҳмад Раҳматов. — Уни тўла қувват билан ишлатишни эса келгуси йилнинг бошида режалаштириб турибмиз. Шунда жамиятимизда 9 турдаги маҳсулот, яъни, «ёллар ва болалар» устки кийимлари, кўрта-тўшак жилдлари тайёрлаш кўзда тутилган. Иш ўринлари сони эса яна 40 кишига кўпади.

Аҳмад Раҳматов фақатгина тадбиркорлик фаолияти билан чекланиб қолаётгани йўқ. Тумандошларнинг қорига камарбаста бўлиш, ўзи истикомат қилаётган Чармгарон маҳалла фуқаролар йиғинининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш борасидаги хайри ишларга ҳам бош-қош бўлишга имкон қадар ҳаракат қилади. Масалан, у тумандаги 14-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабида, маҳаллада ўтказиладиган тадбирларга доимий равишда хомийлик қилиб келади. Йил давомида эса маҳалла худудини ободонлаштириш ишлари учун жамият ҳисобидан 4 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Тумандаги маиший хизмат кўрсатиш касб-хунари коллежи билан жамият ўртасида икки томонлама шартнома имзоланган. Шартномага кўра, коллежнинг 26 нафар ўқувчиси жамиятнинг тўқув ва тикув цех-



ларида битирув амалиётини ўташи кўзда тутилган. Коллежни битирган қобилиятли ёшлар эса бу ерда бемалол иш бошлашлари мумкин.

Асли касби ҳуқуқшунос бўлгани боис, Аҳмад ака мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, иқтисодий ислохотлар самараси ўларок қўлга киритилаётган ютуқлардан ҳам доимий хабардор бўлиб туради.

— Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифалари билан яқиндан танишиб чиқдим, — дейди у. — Унда илгари сурилган гоёлар менинг қарашларимга жуда мос келишини ҳисобга олиб, мазкур партияга аъзо бўлдим.

Ҳа, партиядошимиз бугун нафақат туманда кўзда кўрилган тадбиркор, балки партиянинг фаол аъзоси сифатида

ҳам иш олиб бораёпти. Унинг саъй-ҳаракати билан «Жамол» масъулияти чекланган жамиятида партиянинг бошланғич ташкилоти ҳам ташкил этилган.

Сўхбатимиз давомида тадбиркорнинг келгусидаги режалари ҳақида ҳам батафсил маълумотга эга бўлдик. Унинг асосий мақсади — туман марказида 100 дан ортиқ маҳаллий ёшлар меҳнат қиладиган замонавий корхона, махсус савдо дўконлари очил. Шу аснода тумандошларнинг қорига камарбаста бўлишни кўнглига туккан.

Ҳамро ОҚИЛ,
«Adolat» мухбири

Суратда: тадбиркор Аҳмад Раҳматов жамият ишчиси Инобат Пулатова билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

SMS орқали тил ўрганиш лойиҳаси

Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Ucell уяли алоқа оператори уяли телефонлар орқали жўнатиладиган SMS-хабарлар ёрдамида инглиз тилини ўрганиш лойиҳасини ишга туширишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу ҳақида Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили Стив МакНатли Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим сифатини таъминлашга қаратилган тадбирларга бағишланган матбуот анжуманида хабар қилди.

Унинг сўзларига кўра, «SMS орқали инглиз тили» деб номланувчи лойиҳа доирасида Ucell тармоғига уланган уяли алоқа абонентлари махсус SMS-хизматга обуна бўлган ҳолда ўзларининг инглиз тили бўйича билимларини синаш ва такомиллаштириш имкониятига эга бўладилар.

Янги лойиҳа ҳақидаги батафсил маълумот яқин кунларда эълон қилиниши кутилмоқда.

Носоз баллонлар ишлатилишига йўл қўйилмайди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автогазуйиш компрессор ва автогазуйиш станциялари тармоқларини ривожлантириш ва автотранспорт воситаларини босқичма-босқич суюлтирилган ва сиклган газга ўтказиш чоралари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Хоразмавтосозлаш» МЧЖ қошида автотранспортни идентификация қилиш маркази ташкил этилди.

Марказ газ-баллон ускуналари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларининг лойиҳа ҳужжатлари ва йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига мувофиқ фаолият юритиши устидан доимий назоратни амалга оширади. Талабга жавоб бермайдиган ва сертификатланмаган автотомобиль газ баллонларининг ишлатилишига йўл қўйилмайди.

Ижроия қўмита йиғилиши

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 2013 йилдаги фаолиятининг устувор вазифаси — «Энергия тежамкорлиги ва муқобил энергетикани жорий этиш бўйича ҳаракат дастури» доирасида партия Наманган вилояти Кенгашининг амалий ишлари ҳамда партия кадрлар салоҳиятини ошириш ва ички партиявий интизомни кучайтириш борасида партия Наманган вилояти Кенгаши томонидан кўрилатган чора-тадбирлар хусусида сўз юритилди.

Ўз мухбиримиз

Ривожланаётган тармоқ

Имконият

Сурхон замини ўзининг жойлашуви, қулай иқлим шароити билан етти хазинанинг бири ҳисобланмиш балиқчиликни ривожлантиришга жуда мос. Шу боис, кейинги йилларда вилоятда балиқчиликка ихтисослашган кўплаб хўжаликлар ташкил этилиб, ушбу тармоқ ривожига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу, албатта, аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш имконини бермоқда.

Айтиш жоизки, юртимиздаги дарёлар, табиий қўл ва сув омборлари балиқчилик тармоғини ривожлантиришнинг муҳим манбаи бўлиб, мавжуд қулай иқлим шароитларида балиқ етиштиришни кўпайтириш билан боғлиқ амалий ҳаракатлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Хусусан, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган дастурга биноан, юртимизнинг турли худудларида балиқчилик хўжалиқлари ташкил этилиб, улар фаолиятини йўлга қўйишнинг самарали тизими яратилди.

Эътиборли томони шундаки, балиқчилик хўжалиқлари учун бир қатор қулайлик ва имтиёзлар берилмоқда. Шунга мос тарзда Сурхондарё вилоятида ҳам ушбу сердаромад тармоқ истиқболини таъминлаш билан боғлиқ кенг қўламли саъй-ҳаракатлар амалга ошириляпти.

Бугунги кунда балиқчилик тармоғида ҳам илгор технологияларни жорий этишга қаратилган амалий тажрибалар, яъни нотабиий қўлларда балиқ етиштиришни йўлга қўйиш ишлари иқтисодий самарадорликни оширувчи омил эканлигини кўрсатмоқда. Бундай усул сувни қисқа фурсатларда алмаштириш, сув тежамкорлигини таъминлаш ва мўл-қўл балиқ маҳсулотлари етиштиришда жуда қўл келмоқда. Қолаверса, сунъий қўлларда боқилган балиқларнинг гўшти хуштаъмлиги ва ёғлилик даражасининг юқорилиги билан ҳам ажралиб туради.

— Вилоятда 2012 йилда 855 тонна балиқ етиштирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 1250 тоннага етказиш режалаштирилмоқда, — дейди Сурхондарё вилоят давлат солиқ бошқармаси юридик шахсларга солиқ солиш бўлими бошлиғи Комил Раҳмонов. — Айтиш жоизки, 160 та балиқчилик хўжалиғи фаолият юритмоқда. Мазкур балиқчилик хўжалиқлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 663,6 тонна, яъни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 453,3 тонна балиқ кўп овланди. Белгиланган дастурга кўра, балиқчиликни ривожлантириш учун 39 та

Илёс РАҲМАТОВ,
Сурхондарё вилоят ДСБ
Ахборот хизмати бошлиғи

Янги лойиҳа амалга оширилди

Наманган туманининг Фалча қишлоғида жойлашган «Малик холис сервис» масъулияти чекланган жамиятининг довуғи аввалдан баланд эди. Негаки, ушбу корхонада ишлаб чиқариладиган замонавий фасонлардаги костюм-шимлар ўзининг харидорлиги билан ажралиб турарди. Энди бўлса...

Бу ҳақда корхона раҳбари Н.Тўраев шундай таъкидлади:

— Қишлоғимизда узок вақтдан буён таъмирталаб бўлиб ётган эски бино бор эди. Биз уни ўз тасарруфимизга олдик. Таъмирладик. Қўшимча бинолар қурдик. Хориждан 527 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатдик. Қўриб турганимиздек, яна бир кичик корхонага асос солдик. Энг муҳими, 50 нафар ҳамқишлоқ ёшларимизни иш билан таъминладик.

Дарҳақиқат, «Агробанк» туман филиали томонидан 1 миллиард 50 миллион сўм кредит маблағ эвазига молияланган мазкур лойиҳа ишга туширилган, бу ерда қўнига 20 миң дона ун, шакар каби озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлашда фойдаланиладиган қоплар ишлаб чиқарила бошланди.

С.АБДУРАҲМОНОВ

2013 йил — Обод турмуш йили




Файзли маҳалланинг кўркем уйлари



Самарқанддаги «СамАргоСтандарт» масъулияти чекланган жамиятининг Гарлик Бадалян бошлиқ жамоаси «Обод турмуш йили» Давлат дастуридаги вазифаларни бажаришга салмоқли улуш қўшиб келмоқда. Қурилиш корхонасининг саъй-ҳаракатлари билан вилоятдаги қишлоқларда намунали лойиҳа асосидаги кўркем уй-жойлар тезкорлик билан барпо этилмоқда.

Оқдарё туманидаги Пулатдархон қишлоғида яқиндагина қурилиши тугалланган 20 та замонавий коттеж ана шу шарафли мақсад ва ҳаракатларнинг самарасидир.

— Корхонамиз фаолият юрита бошлаганидан буён республикамиз шаҳар ва қиш-



лоқларида 300 га яқин ижтимоий соҳа объектларини барпо этдик, — дейди қурувчилар саркори Г.Бадалян. — Иморат-созликдан тўпланган бой тажрибамиз, корхонамизнинг моддий-техник базаси юксалиб бораётгани янги буюртмаларни вақтида, арзон нархлар-

3.ТўРАҚУЛОВ

Суратларда: Пулатдархондаги коттежлар; жамоа раҳбари Г.Бадалян қурувчилар билан; пайвандчи Ф.Облоқулов.

Ҳуқуқ

Белгиланган талабларга риоя этиш фаолиятингиз барқарорлиги кафолати

Қарор ва ижро


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан 2013 йил 1 октябрь ҳолатига 239 та савдо дўкони ва умумий овуқатланиш шохобчаларига алкоголь маҳсулотларининг чакана савдоси учун рухсат гувоҳномалари берилган.

Мазкур объектлар фаолиятини назорат қилиш борасида вилоят солиқ идоралари томонидан жорий йилнинг 1 октябрга қадар умумий овуқатланиш шохобчаларида ўтказилган қисқа муддатли текширишлар сони 42 тани таҳлил қилади. Шундан 40 та ҳолатда назорат-касса машинасидан фойдаланмаслик, яъни 40 нафар миждога 629,0 минг сўмга назорат-касса машинаси чекини бермаганлик, 12 та ҳолатда 8 825,0 минг сўмлик алкоголь маҳсулотларини қирим ҳужжатларисиз ноқонуний муомалага чиқарганлик, 2 та ҳолатда тўлов терминали орқали ҳисоб-китоб қилинганда

маҳсулот нархи устига устама ҳақ қўйилганлик, 4 та ҳолатда терминал орқали ҳисоб-китоб қилишдан бош торгунлик ҳолатлари аниқланган.

Ўтказилган текширувлар натижаларига кўра, 23 та ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан 219959,0 минг сўмлик молиявий жарималар қўлланилган. Шу жумладан, алкогольли маҳсулотларнинг чакана савдоси қонунга зид қилинганлик учун 8 та ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан 113814,0 минг сўмлик молиявий жарима қўлланилган.

Текшириш натижасига кўра, ҳуқуқбузарликка йўл қўйган 5 та ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини батамом тўхтатиш бўйича ҳокимликларга тақдимномалар киритилган.



Жумладан, Навбахор тумани "Олчин" ҚФЙда жойлашган "Афросиёб" СИЧФ умумий овуқатланиш шохобчасида ўтказилган қисқа муддатли текширишда шохобча хизматчиси томонидан хўрандага 19,2 минг сўмга назорат-касса машинаси чекини бермаслик, 533,0 минг сўмни назорат-касса машинаси хотирасига қирим қилмаганлик, 302,7 минг сўмлик ҳужжатсиз ва сифат сертификатисиз товарларни

муомалага чиқарганлик ҳолатлари аниқланган ва улар лицензияси вақтинчалик олиб қўйилган. Аниқланган ҳолатлар бўйича корхонага нисбатан 1914,1 минг сўм молиявий жарима қўлланилган.

Қарор талаблари ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда фаолият юритаётган алкогольли маҳсулотларнинг чакана савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг 37 та савдо дўконларида режадан ташқар қисқа муддатли текширишлар ўтказилган бўлиб, уларнинг барчасида қонун бузилиш

ҳолатлари аниқланган. Жумладан, ўтказилган текширишларнинг 13 тасида 3830,6 литр миқдордаги 21068,7 минг сўмлик қирим ҳужжатлари бўлмаган алкогольли маҳсулотларнинг ноқонуний савдосига чек қўйилган. Назорат-касса машинаси бўла туриб, 37 та ҳолатда харидорларга 573,5 минг сўмлик назорат-касса машинасининг харид чеки берилмаганлиги фош этилди. Ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 25 та ҳўжалик юритувчи субъектга 115427,3 минг сўмлик молиявий жарима қўлланилган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, қонун барчага баробар. Қонунларга риоя этган тадбиркор давлат химосида. Юртимизда тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун яратилган шароитлардан фойдаланиб, амалдаги қонун-қоидаларни бузмаган ҳўжалик субъектларнинг фаолияти доимо барқарор ва хавфсиз бўлади.

Анвар УСМОНОВ,
Навоий вилоят
ДСБ бўлим бошлиғи

Савол беринг, жавоб берамиз!

Ўзим меҳнат қилаётган фермер ҳўжалигида менга бошқа лавозимни таклиф этишди. Лекин бу вазифада ишлашни рад этдим. Бу каби ҳолларда иш берувчи мен билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиши мўмкинми?

*Н.Сафаров,
Бўстонлик тумани*

Агар ҳодим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни рад этса, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниб, ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатил нафақаси тўланади. Ана шу асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ҳодим меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида маҳаллий меҳнат органида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинса, маҳаллий меҳнат органи берган маълумотнома асосида учинчи ой ҳам олдинги иш жойидан ўртача иш ҳақини олиш ҳуқуқига эга.

Махфий васиятнома менга таоллуқли бўлса, унинг мазмуни билан танишишга ҳаққим борми?

*З.Мамадалиев,
Чирчиқ шахри*

Васиятнома ҳам бошқа нотариал ҳаракатлар сингари сир сақланиб, унинг ошкор этилиши тақиқланади. Кейинчалик васият қилувчи томонидан васиятномага ўзгартиришлар қилиниши ва бекор қилиниши ҳам мўмкин. Лекин бу маълумотлар ҳам сир сақланиши лозим. Хизмат вазифасини бажариш муносабати билан васиятномадан хабардор бўлиб қолган шахслар ҳам ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

Васият қилувчининг хоҳишига кўра, нотариус васиятнома унинг мазмуни билан танишмаган ҳолда тасдиқлаши мўмкин. Бундай васиятнома махфий васиятнома дейилади. Махфий васиятнома васият қилувчи томонидан ўз қўли билан ёзилиб, уни шахсан имзолаши шарт. Бу васиятнома нотариус ҳамда 2 гувоҳ иштирокида конвертга солиб елимланади, конвертга гувоҳлар имзо қўйиб, ўз фамилияларини, исм-шарифларини ва доимий яшаш жойларини ёзиб қўядилар. Гувоҳлар томонидан имзоланган бу конверт гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа конвертга солиниб, елимланади.

Васиятнома тасдиқлаши жараёнида васият қилинаётган мулкка нисбатан эғалик ҳуқуқи талаб қилинмайди. Юқоридаги ҳолатда васият қилувчи ўз иродаси билан васиятномаси ҳақида қариндошига маълум қилган бўлса ҳам, васиятнома-нинг махфийлиги йўқолган, деб ҳисобланмайди.

Саволларга Қирғай тумани ДНИ нотариуси
Анвар МУБОРАҚОВ жавоб берди.

Фермер ҳўжалиги раҳбариман. Маҳсулотларни қайта ишлаш корхонасининг айби билан ўртамазда тузилган шартномани расмийлаштириш кечиктирилди. Натижада етиштирган маҳсулотларимизнинг бир қисми яроқсиз ҳолга келди. Айтинг-чи, етказилган зарарни ким тўлаши керак?

*Анвар Тўлашев,
Тошкент вилояти, Зангиота тумани.*

Агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса — битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафининг талаби бўйича уни ҳаққий, деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафининг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бундай ҳолда битим суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади.

Шунингдек, Фуқаролик кодексига назарда тутилган баъзи ҳолларда битимни нотариал тасдиқлаш ёки давлат рўйхатидан ўтказишдан бош тортаётган тараф битим кечиктирилганлиги туфайли етказилган зарарни иккинчи тараф тўлаши лозим.

Яқин ўртоғим машинасининг ҳўжатларини гаров эвазига қолдириб, мендан катта сумма қарз олган эди. Орадан икки-уч йил ўтсада қарзини қайтаришни ўйламайди. Ундан тилхат ёздириб олганим учун бундай вазиятда қандай йўл тутишни билмайман. Айтинг-чи, у берган гаров ошёси қарз олганини исботлайдими?

*Сирожиiddин Садриддинов,
Тошкент вилояти*

Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса суммасидан қатъи назар ёзма шаклда тузилиши шарт.

Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳўжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.


Шунингдек, қарз мажбурияти қарз олувчи томонидан берилган вексель, облигация ёки қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ундириб олиш ҳуқуқини белгилайдиган бошқа қимматли қоғоз билан тасдиқланган бўлса, қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

Саволларга Зангиота тумани ДНИ нотариуслари
Шоира ТОШМУҲАММЕДОВА ва
Роза ҚУРБОНОВА жавоб берди.

Божхона бекати

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда тилла ва заргарлик буюмлари, нақд хорижий валюталар ва бошқа турдаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига қарши кенг қўламли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Тамакидан ананасгача...



Амалдаги тартибларга мувофиқ, республикамиз фуқаролари 2000 АҚШ доллари эквивалентидаги нақд хорижий валюталарни божхона баённомасида ёзма қайд этиш шарт билан республикамиздан бемалол олиб чиқиб кетишларига рухсат этилади. Аммо, Истамбулга парвоз олдидан пойтахтлик Ш.Насриддинова ушбу меъёрга қаноат қилмаслиги оқибатида, божхона назоратидан яширган 9800 АҚШ доллари билан "хайрлашиши"га тўри келди.

Жисмоний шахслар республикамизга умумий оғирлиги 30 граммдан ошмайдиган қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан ясалган фақатгина бештагача заргарлик буюмларини олиб киришлари мўмкинлигини фуқаро А.Касимов "унутган" кўринади. Бу эса унга қимматга тушиди. Амалдаги тартибларга зид тарзда ва яширин равишда олиб киришга урингани сабаб унинг қиймати 21,6 млн. сўмдан ортиқ салкам 0,7 кг. оғирликдаги тилла ва заргарлик буюмлари энди ўрнатилган тартибда давлат фойдасига мусодара қилинади.

"Шаржа-Тошкент" йўналишида парвозини яқунлаган фуқаро С.Юнусовга эса "кашанда"лиги панд берди. Ушбу шахс амалдаги тартибларга кўра рухсат этилган 10 қути ўрнига, 500 қути «Parliament» сигаретларини божхона баённомасида ва божхона ходимининг оғзаки

сўроғи пайтида маълум қилмасдан туриб, олиб киришга уринган экан.

Божхона чегарасини кесиб ўтаётган шахс айнан бир хил товарни ўзи ва оила аъзоларининг эҳтиёжларидан ошиб кетувчи миқдорда олиб келаятган бўлса, демак, у тижорат мақсадларини кўзлаётгани аён бўлади. Тижорат мақсадида олиб кириладиган товарлар учун эса ўрнатилган тартибда тўлашиши лозим бўлган божхона тўловлари ва тақдим этилиш керак бўлган ҳўжатлар фуқаро А.Исраиловга малол келди. Хар ҳолда Бангкоқдан қайтаётган, у божхона назоратидан яширилган қиймати 1,5 млн. сўмдан ортиқ 176 дона ананас тропик меваларини фақат ўз оиласи дастурхони учун олиб келмаётгани аниқ эди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида "Тошкент-Аэро" ИБК ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 940 та қонунбузарлик ҳолатларида 5,7 млрд. сўмдан ортиқ қийматдаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

"Тошкент-Аэро" ИБК
Ахборот хизмати

Қалтис қадам боши берк кўчага етаклади

Қилмиш-қидирмиш

Тинч-хотиржам яшашни истайдиган киши ҳар қанча муҳтож бўлмасин, қалтис ишга қўл урмайди. Шукрки, бизда ўта муҳтожликда кун кўрадиганлар йўқ. Аммо кимгадир тақдир қилиб қисқа вақтда кўп пул топишга ҳаракат қиладиганлар, масъулиятсизлар учраб туради. Бундай йўл тутувчилар ёшлар орасидан чикса, ҳаётий тажрибаси йўқлиги панд берди, дейилади. Ҳаётнинг анча-мунча паст-баландини тушуниб етган кишининг боши берк кўчага кириб қолиши эса кечириб бўлмайди.

Муқаддам Маҳмудова (исм-фамилияси ўзгартрилди) Навбахор тумани тиббиёт бирлашмаси жонлантириш бўлимида фаррош сифатида ишлаб юрганди. Турмуш ўртоғининг бетоб бўлиб қолиши уни савдо соҳаси билан шуғулланишга ундади. У савдо ишини юритиш учун ўзи билан бирга ишлайдиган ҳамшира Д.Турсуновадан (ойига ўн фоиздан тўлашиши лозим бўлган божхона тўловлари ва тақдим этилиш керак бўлган ҳўжатлар фуқаро А.Исраиловга малол келди. Хар ҳолда Бангкоқдан қайтаётган, у божхона назоратидан яширилган қиймати 1,5 млн. сўмдан ортиқ 176 дона ананас тропик меваларини фақат ўз оиласи дастурхони учун олиб келмаётгани аниқ эди.



М.Маҳмудова энди қарзга каттароқ сумма олиш учун ёлғон ишлатади.

— Менга яна тўрт миллион сўм керак бўлаяпти, — дейди у Д.Турсунова билан учрашиб. — Хотиржам бўлаверинг, турмуш ўртоғим билан укам мол олиб сотишни бошлаган. Қарзларимни тезда қайтараман...

Шу тарзда М.Маҳмудова зарур вақтда яхшигина "назорат" бўлиб қолган Д.Турсунованинг эшигини қайта-қайта қоқишга журъат топди ўзида. "Ўғлимни тайёрлов курсида ўқитиш учун яна пул керак бўлиб қолди, бериб турсангиз, фоизларни тўлаб бораман", деган ваъда билан яна бир миллион тўқсон минг сўм пулни олиб кетди.

Рўзгорни фор, дейишган.

Айниқса, тайинли бир ишнинг бошини тутмаган кишининг рўзгори ўпқоннинг оғзидай гап. Хуллас, бир ой ўтар-ўтмас, яна Д.Турсунованинг оstonасини ҳатлаб ўтишга тўри келди. Бу гал унга пластик карточка тутқазилди.

— Майли, пулингизни нақд қилиб қайтараман, — дедию, "ишбилармон аёл" ғойиб бўлди.

Одамларни алдаб, пул ўзлаштириш М.Маҳмудова учун энди эрмакка айланди. Унга янги-янги оstonаларни ҳатлаб ўтиш ҳеч нарса бўлмади қолди. Шу тариқа З.Холмуродовадан уч миллион сўм, З.Маманазаровадан икки миллион беш юз минг сўм, Д.Рустамовадан икки юз минг сўм, Ф.Жўраевадан бир миллион олти юз минг сўм, Б.Жумаевадан 850 минг сўм, У.Муратовадан бир миллион юз минг сўм, Р.Қурбоновадан уч миллион сўм, З.Ўлиевадан 800 минг сўм пул олиб, ҳазм қилиб юборди. Буни қарангки, бўйнидаги шунча қарз билан хотиржам яшаш, одамларнинг ишончини суиистезьмол қилиб, эл орасида эркин юриш мўмкин экан. Агар унинг устидан шикоят қилиб, тегишли органларга хабар берилмаганда, ким билади дейсиз, яна қанча одамнинг топганига шерик бўларди?!

Хуллас, суд ҳукми ўқилди. Алдов йўли билан пул топишни шиор қилиб олган М.Маҳмудова уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бир оила шунча муддатга асосий устунидан айрилди, фарзандлар бағри бутунликда неъматдан бебахра қолди. Бундан ташқари, бу аёл саккиз кишига етказилган 20 миллион сўмга яқин моддий зарарни қоплашга мажбур. Маънавий зарарниқу, қўяверинг! Бу қалтис қадами билан у нафақат атрафдагиларга, балки ўз оиласига ҳам зарар етказди.

Салим МИРЗАЕВ,
Навахор тумани прокурори
Ўрдамчиси,
Ҳолида ФАЙЗИЕВА,
журналист

Фуқаролар ҳуқуқлари таъминланаяпти

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини тўла таъминловчи миллий қонунчилигимизни ислоҳ қилиш йўлида муҳим ижобий натижаларга эришилмоқда.

Зеро, умуминсоний қадриятларнинг барчаси Асосий Қонунимизда ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13, 24, 27-моддаларига биноан, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланган, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ҳамда эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар натижасида прокуратуранинг давлат органлари тизимидаги ўрни ҳамда прокурор назоратининг давлат фаолиятидаги роли масаласи янада муҳимроқ аҳамият касб этди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида янги тахрирда қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги қонунга мувофиқ прокуратуранинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, унинг

қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулияти оширилди, деб бежиз қайд этилмаган.

Ўзбекистон Республикасида прокуратура — давлат ҳокими-ятининг бирорта ҳам тармоғи таркибига кирмайдиган, вазифаси қонунийликка риоя этилиши устидан назорат олиб боришдан иборат давлат институти. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокурор назоратининг барча — қонунлар ижроси, суриштирув ва тергов органлари томонидан қонунларга риоя этилиши, судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишлари кўрилишининг қонунийлиги, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида қонунийликка риоя этилиши устидан назорат каби тармоқларида амалга оширилади.

Янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонун демократик жараёнларни ўз ичига қамраб олди. Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми такомиллаштириш, мақсад ва вазифаларни қайтадан кўриб чиқиш ва ҳуқуқни ҳимоя-



лаш ваколатларини кучайтириш ҳимояси таъминлини белгиланди. Шунинг таъкидлаш лозимки, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи прокуратура ҳуқуқий мақомининг муҳим унсурини ҳисобланади. Зотан, қонунчиликдаги камчилик ёки зиддиятни аниқлаган прокурор қонундаги бу камчиликларни бартараф этиш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиши лозим.

Қонунчиликнинг бузилиши, одатда, муайян шахснинг субъектив ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига таъвоздан ташкил топади. Қонунбузарликларга қарши кураш нафақат уларга барҳам бериш, балки бузилган ҳуқуқ ва манфаатларни тиклашдан иборатдир. Фуқароларнинг ёши, жинси, ижтимоий, мулкӣ ҳолати, ирқий ёки миллий мансублиги, диний эътиқоди, маслакларидан қатъий назар, уларнинг ижтимоий-иқтисодий,

сиёсий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари ҳимоя қилиниши лозим. Фуқаро ҳуқуқий давлатда ўз ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳар қандай таъвозлардан, уларни қайси субъект — давлат органи, жамоат ташкилоти, мансабдор шахс ёки бошқа фуқаро содир этганлигидан қатъий назар ҳимоя қилинади.

Халқаро ҳуқуқнинг эътироф этилган принциплари ва нормаларига кўра, конституциявий ҳуқуқлар одатда уч гуруҳга — шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга ажратилади. Яшаш ҳуқуқи, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини давлат томонидан муҳофаза қилинади. Халқаро ҳуқуқнинг эътироф этилган принциплари ва нормаларига кўра, конституциявий ҳуқуқлар одатда уч гуруҳга — шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга ажратилади. Яшаш ҳуқуқи, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлса, прокурор назорати бу — махсус ваколатга эга прокуратура органлари томонидан давлат номидан амалга ошириладиган, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб бориш фаолиятидир. Фуқаролик жамияти қарор топаётган мамлакатимиз ҳаётида шундай муҳим вазифани бажарётган прокуратура органларининг мавқеи ошириб, фуқаролар ҳуқуқлари таъминланаётгани, пировардидан инсон ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмаётгани эътиборга молик.

Алишер МИРАСИЛОВ,
Юнусобод тумани прокурори ўринбосари

Биометрик паспорт олиш учун интернет орқали ариза бериш мумкин бўлади

Яқин орада Ягона интерактив давлат хизматлари портали — my.gov.uz орқали биометрик паспорт олиш учун онлайн режимда ариза бериш хизмати жорий этилиши кутилмоқда. Бу ҳақида Давлат алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бошлиғи Олим Умаров «Экономическое обозрение» журнаliga берган интервьюсида хабар берди. Унинг сўзларига кўра, my.gov.uz порталида янги 50 дан ортиқ хизматларни йўлга қўйиш ишлари бошлаб юборилган. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда йўлга қўйилган юқоридаги хизмат ҳам бор.

Шунингдек, порталда онлайн режимда ҳақини тўлаш мумкин бўладиган пулли хизматлар ҳам пайдо бўлиши кутилмоқда. Бугунга қадар Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали жами 91 интерактив хизмат кўрсатилмоқда. Уларнинг тўққизтаси автоматлашган, йигирма еттитадиси ярим автоматлашган, ўттиз саккизтаси ахборот хизматлари, тўрттаси офлайн усулда кўрсатиладиган, ўн учтаси эса ҳаволавий хизматлардир.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали — my.gov.uz 2013 йилнинг 1 июль кунини ишга туширилган эди. Портал «Электрон ҳуқуқат» тизими доирасида яратилмоқда.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЖАМИЯТ ВА МЕН — 2013»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун «ЖАМИЯТ ВА МЕН — 2013» танлови ўтказилиши эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросига қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов йўналишлари

- Танлов кўйидаги 10 та номинациялар бўйича ўтказилади:
- «Юксак маънавият — жамият пойдевори» мавзусидаги энг яхши материал;
 - «Таълим тизими ислохотлари журналист нигоҳида»;
 - «Соғлом ёшлар — келажак пойдевори» мавзусидаги энг яхши материал;
 - «Фермерлик — имконият ва истиқболлар» мавзусидаги энг яхши материал;
 - «ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти» тўғрисидаги энг яхши материал;
 - «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги энг яхши материал;
 - энг яхши журналист текшируви;
 - интернетдаги энг яхши мақола;
 - энг яхши фоторепортаж;
 - йил дебюти (талаба-журналистлар учун).

Танлов шартлари

Тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда 2013 йилнинг 1 январидан 1 декабрга қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Танловга материаллар 2013 йил 10 декабрга қадар қабул қилинади.

Танлов ғолиблари 2013 йил якунида ташкилотчилар томонидан ўтказиладиган нуфузли тадбирда эълон қилиниб тақдирланади.

Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари журналистлар учун ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом, компьютер жамланмаси, планшет, қўл телефони ва шу каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Жамият ва Мен-2013» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 1-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: info@mmf.uz, fonduz@mail.ru

Ташкилий қўмита

«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА» мавзусидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмағида ўтказилади.

Танлов шартлари

Танловга 2013 йилнинг 1 январидан 2013 йилнинг 1 декабрга қадар республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларида чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Ғолиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ғолиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Жамият ва Мен-2013» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2013 йил 5 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 1-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmfuz@inbox.uz, fonduz@mail.ru

Ташкилий қўмита

Соғлом турмуш — узоқ умр гарови

Ноябрь — Қандли диабет ойлиги


Нима деб ўйлайсиз, дунё санъат майдонида ўзига яраша из қолдирган машҳур актёр Юрий Никулин ҳамда "XX асрнинг энг яхши футболчиси" унвони эгаси Пелени нима боғлаб турибди? Машҳурлик даражаси ёки муҳлислари соними? Йўқ. Улар бир номдаги хасталикка дучор бўлган: бу касаллик қандли диабет, деб аталади. Уни аслида соҳа мутахассислари касаллик эмас, балки ўзига хос турмуш тарзи оқибати, деб ҳисоблашади. Яъни шифокор тавсияларига риоя қилган инсон бундай хасталикка чалинмайди. Демак, асосийси бу касалликнинг олдини олиш мумкин.

Ўзбекистонда аҳолига қандли диабет, унинг хавфли омиллари, асоратларини олдини олиш ҳақида кўпроқ маълумот бериш мақсадида ҳар йили ноябрда диабет ойлиги ўтказилади. Чунки, 2006 йилнинг декабрида, БМТ Бош Ассамблеясининг 61-сессиясида "Қандли диабет тўғрисида"ги резолюция имзоланган бўлиб, унга кўра диабет умумжаҳон муаммоси деб тан олинган ва 2007 йилдан бошлаб 14 ноябрь — "Диабет кунини" деб эълон қилинди. Ҳозирда диабет ойлигига бағишланган тадбирлар Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда эндокринология хизматини мувофиқлаштириш Республика ихтисослашган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИЗИАТМ) маълумотларига кўра, юртимизда қандли диабетнинг тарқалиш даражаси 5 фоизни ташкил этади. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда 135751 бемор диспансер ҳисобиде туради. Улардан 1292 нафарини болалар, 553 нафарини ўсмирлар ташкил этади. Муҳбиримизнинг қандли диабет турлари, белгилари, асоратлари ва даволаш усуллари оид саволларига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва зирлиги РИЗИАТМ диабет бўлими катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоиди **Улугбек Қосимов** жавоб берди:

— Қандли диабет — моддалар алмашинуви касаллиги бўлиб, келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш йўллари ва клиник аломатларига кўра турличадир. Бу хасталикнинг барча турига ҳам жихат — қон таркибидеги глюкозанинг сурункали ортисидир. Қонга глюкоза озик-овқат билан келади. Инсон истеъмол қиладиган озик-овқат махсулотлари асосан уч нарсадан: оқсил, ёғ, углеводлардан иборат. Оқсил тана учун "қурилиш материали" ҳисобланади, ёғ ва углеводлар эса куч-қувват манбаидир. Глюкозанинг асосий манбаи — углеводлар. Углеводларнинг катта қисми ичакдан қонга глюкоза тарзида сурилади. Глюкоза самарали қайта ишланиб, қувватга айланиши учун инсулин мавжуд бўлиши зарур.

Турли сабабларга кўра танада инсулин етишмовчилиги юзга келганда қандли диабет касаллиги ривожланади. Қандли диабет касаллигининг иккита асосий турини мавжуд булар: 1-тур — инсулинга қарам қандли диабет, 2-тур — инсулинга қарам бўлмаган қандли диабетдир.



Қандли диабетнинг 1-тури асосан ўсимирлик ва ўспиринлик ёшида пайдо бўлади. Касаллик одатда юқумли касалликларини бошдан кечиргандан сўнг кескин бошланади. Унинг энг кўп учрайдиган аломатлари — чанқаш, оғзининг қуриб қолиши, катта миқдорда пешоб ажралоши, озиб кетиш, ҳолсизлик кабилардир. Бемор бир кеча-кундуз давомида 3-5 литрдан 7-8 литргача суюклик ичиши мумкин ва тахминан шунча миқдорда пешоб ажралади. Ташхис қўйилганга қадар бемор 5-15 килограммга қадар вазн йўқотиши мумкин. Мазкур беморларнинг қони таркибидеги глюкоза миқдори энг юқори даражадан энг қуйи даражагача тез-тез ўзгариб туради.

Қандли диабет касаллигининг 2-турда ошқозон ости безларининг оролча ҳужайралари инсулин моддаси ишлаб чиқариш қобилиятини сақлаб қолади ва қон таркибидеги инсулин миқдори нормада ёки нормадан сал юқорироқ бўлади.

Бироқ тана тўқималарининг инсулинга нисбатан сезгирлиги кескин пасайиши оқибатида бу инсулин тўла даражада ўз самарасини бермайди. Шу туфайли тўқималар томонидан глюкозани ўзлаштириш ҳамда фойдаланиш камаюди ва у қон

таркибиде тўпланиб қолади. Тўқималарнинг инсулинга нисбатан сезгирлиги йўқолиб боришининг асосий сабаби семиршидир. Шунинг учун ҳам қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган беморларнинг аксарияти тўландан келган бўлади. Диабетнинг бу тури билан асосан етуқлик ва кексалик ёшидаги шахслар хасталанади.

2-турдаги диабет билан оғриган беморлар инсулин дозирини қабул қилмасдан яшашлари мумкин. Уларга парhez роя этиш, жисмоний машқлар билан шуғулланиш, шакар миқдорини камайтирувчи дорилар қабул қилиш яхши ёрдам беради.

Қандли диабет — бир умрлик касаллик, уни бутун ҳаёт давомида даволаш зарур. Касалликнинг асоратларига юрак-қон томир касалликлари, миёда қон айланishi бузилиши, буйракдаги ўзгаришлар, кўз кўриш қобилиятининг пасайиши ва йўқолиши кабилар кириди. Оқибатда беморлар ногирон бўлиб қолиши ва умри қисқариши эҳтимоли мавжуд.

Диабетда буйрак шикастланиши — диабетик нефропатия (ДН) бу касалликнинг энг оғир асоратларидан бўлиб, айниқасан инсулинга қарам бўлган турда беморлар ўлимнинг

асосий сабабчидир. Диабетик нефропатия буйрак фаолияти етишмовчилигининг сўнгги босқичини келтириб чиқариб, жуда ҳам қимматга тушадиган «сунъий буйрак» апарати ёрдамида даволашишга олиб келади.

Буйрак шикастланишининг биринчи, деярли сезилмайдиган белгилари 5 йил, ҳаттоки 10 йил ўтгандан сўнг пайдо бўлади ва одатда беморни безовта қилмайди. 10-15 йилдан сўнг эса буйрак шикастланиши анча даражага етиб, буйрак аста-секин ўз фаолиятини бажариш қобилиятини йўқота бошлади, бу сурункали буйрак етишмовчилигини келтириб чиқариб, бемор аҳолининг оғирлашуви ва ҳатто ўлимга сабабчи бўлади.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, агар диабетга чалинган беморлар билан маълум профилактик ишлар олиб борилмаса ва ДН «табиий кечимида» қолаверса, беморларнинг аксарияти жуда қимматга тушадиган қоннинг экстракорпорал тозаланиш муолажасига зарурий сезиб, асосан гемодиализ перитонеал диализ билан доимий даволашишга муҳтож бўлиб қолади.

Ҳозирги пайтда диабет асоратларини ва шу жумладан унинг олдини олишга ёки улар ривожини кўп йилларга кечиктиришга қаратилган, кўп марказли текширувлар натижалари билан тасдиқланган махсус даволаш мажмуалари мавжуд. Муҳими, ҳар бир инсон ушбу даволаш мажмуаларига вақти-вақти билан таширф бўюриб, диабетнинг қондаги таркибин аниқлаб туриши, соғлом турмуш тарзига риоя қилиши, иложи борича истеъмолда туз миқдорини камайтириши, кўпроқ жисмоний ҳаракатланиши, таркибиде оқсил моддаси кам бўлган озик-овқат махсулотини истеъмол қилиш орқали парhez тутиши, семирмаслиги лозим. Бу талабларга риоя этиш кўп маблаг талаб этмайди, айна пайтда инсон умри узайишига олиб келади.

Саодат ЖАББОРОВА
ёзиб олди.

Эътиборли бўлайлик

Мулоҳаза

Ҳаёт қарама-қаршиликлардан иборат. Яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, ободлик ва вайронлик. Уларнинг қай бирини танлаш ҳар инсоннинг ўзига боғлиқ. Кимдир ёмонлик қилишни ўзига раво кўрса, ундан шодланса, яна кимдир ён-атрофига эзгулик нурини сочгиси, иложи борича барчага яхшилик қилгиси келар экан. Лекин ҳаётга шундай муносабат ҳам борки, унинг мавжудлиги бир қарашда табиийдек туюлади. Аслида эса бундай дунёқарашнинг, нуқтаи назарнинг инсон онг-шuurини бутунлай қоплаб олиши дунёнинг остин-устун бўлишига олиб келиши ҳам мумкин. Биз бекфарқлик, лоқайдликни назарда тутмоқдамиз.


Зарари ҳам, фойдаси ҳам йўқ инсондан зарарлироқ, фойдасизроқ инсон бўлмайди, деган экан донишмандлардан бири. Дарҳақиқат, бекфарқлик — ёмон иллат. Надоматлар бўлсинки, бугун дунёнинг кўпгина нуқталарида ана шу иллатнинг уруғи қуртак ёзиб, гуллаб-яшнамоқда.

Биргина мисол. Сўнгги икки-уч йил орасида ривожланган мамлакат — АКШнинг Коннектикут штатидаги мактабларнинг бирида, Нью-Жерсидаги савдо уйида, Жанубий Каролинадаги Аграр-техника университети биносида, Хьюстонда, «Оқ уй» атрафида ва бошқа ҳудудларда жами 60 нафардан ортиқ беғуноҳ инсонлар жиноятчиларнинг қурбони бўлишди. Америка жамоатчилиги ушбу воқеалардан сўнг дарҳол қуролдан фойдаланиш ва сотиш ҳамда сотиб олишга оид қонунчиликка ўзгартириш киритиш масаласини муҳокама қила бошлади.

Ёки олайлик, ўтган йили Россиянинг Москва шаҳрида Дмитрий Виноградов исмли шахс ўзи фаолият юритаётган компания ходимлари ва меҳмонларига қарата ўқ узиши оқибатида 6 нафар инсон ҳалок бўлган. Шундан сўнг бўлиб ўтган воқеанинг сабаб ва оқибатлари муҳокама қилинганда Виноградовда травматик қурол ва 200 га яқин патронлар борлиги, унинг хонаси ва социал тармоқдаги саҳифаси зўравонликка, ҳаётдан нафратларидида ундовчи суратлар билан тўла эканлигидан ота-онаси беҳабар эканлиги, кўни-қўшилари ҳам уни «индамас», «огир», «вазмин»

бола сифатида танишгани аниқланди. Бир ўйлаб кўринг, бир хонадонда яшаб туриб, ўз яқини, хигарбандининг хонасига «қамалиб» кириб олганини, унинг нималар банд ва керак бўлса, ҳаёлидан нималар кечаётгани билан қизиқмайди-ган ота-онанинг фарзанди дабдурустан шундай қабиҳ ва кеңирилмас ишга қўл уришида ким айбдор? Дабдурустан дейиш ҳам нотўғри, сабаби у бунга муттасил тайёргарлик кўргани унинг хонасидан топилган ашёвий далиллардан ҳам аён бўлди. Балки олий маълумотли ва «вазмин» боланинг ота-онаси, дўст-биродарлари ўз вақтида унга кўпроқ эътибор бериб, ҳеч бўлмаганда уни диққат билан тинглашганида, унинг ташвиш ва қувончларига шерик бўлишганида, нима яхшию нима ёмонлигини, ҳаётни борича севишни ўргатишганида боланинг руҳияти бу қадар тубанлашиб кетмаган, бундай аянчли ҳолатлар юзага келмаган бўлармиди? Айна шу вазиятда беихтиёр маърифатпарвар бобокалонимиз Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», деган пурқикмат нақли ёдимизга тўшадди ва унинг нақадар ҳақ эканлигини яна бир бор тан оламиз.

Шуқрим, юртимизда тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурмоқда. Бунда аввало оқилона ички ва ташқи сиёсат юритилаётганлиги, маънавият масалаларига эътиборнинг қуллиги, қолаверса, ватанпарвар ва жасоратли посбонларимиз



нинг зийраклиги, сергаклиги муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, маҳалларимиздаги тажрибали, ҳаётда кўпни кўрган нуруний отахон ва онахонларимизнинг панд-насихатлари, бола тарбияси ҳақидаги қарашларини ўсиб келаётган авлодга тарғиб қилишлари, билим даргоҳида ўқувчиларга таълим билан тарбиянинг бирдек берилиши каби омиллар тўғрисида хулоса қилишлари оқибатларнинг олди олинмоқда.

Айни пайтда орамизда «сен менга тегма, мен сенга тегма» қабилида иш тутадиган, ўзидан бўлак ўзгани ўйламайдиган, пул, мол-дунё, кийим-кечак каби воситаларни меҳриниқибат, виждон ва ғуруридан устун қўядиган инсонларнинг учраётгани ачинарлидир. Бу эса ёш авлоднинг турмуш тарзига таъсир қилмасдан қолмайди. Баъзан кўча-кўйда, жамоат жойларида уяли телефонига маҳкам ёпишиб олган, гаплари ижтимоий тармоқлардаги янгиликлардангина иборат бўлган ёки баланд овозда маънили-маънисиз қўшиқларни тинглаб кетаётган ёшларни кўриб, очиги, хафа бўлади киши. Ахир бугун уларнинг дунёни ўрганиши, илм олиши, ўзининг мустахамқ позициясига эга бўлиши учун барча шароитлар мавжуд-ку? Нима учун улар шундай имкониятлардан, вақтдан оқилона фойдаланишмаяпти?

ушбу янгиликлар фақатгина расмий ахборот тарзида эмас, оммабоп, қисқа, лунда ва тушунарли тарзда киритилиши интернетдан фойдаланувчиларнинг эътиборини жалб қилиши муқаррар.

Бугун республикамызда жуда кўп давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари мавжуд. Уларнинг ҳар бирига оид қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинади, ўзгартиш киритилади ёки айримлари ўз кучини йўқотди. Лекин, афсуски ҳар доим ҳам аҳолининг ушбу қонунлардан хабардорлик даражаси у қадар юқори эмас. Айна шу сабабдан каттаю кичики ўзига «ром этган» социал тармоқларда соҳа мутахассислари томонидан эълонлар бериб борилиши, ушбу хабарнинг давомини тегишли вебсаҳифаларда ўқиши мумкинлиги қайд этилиши кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлиши мумкин. Ана шунда биз ёшларнинг ҳуқуқий билими, саводхонлигини яна бир поғонага кўтарилишига эришармидик?

Тарғибнинг энг самарали усули — билимдонларни рағбатлантириш десак, хато бўлмайди. Шу боис фойдаланувчилар сони кўп бўлган социал тармоқларини тегишли давлат, жамоат ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзaro ҳамкорликда «Хуқуқни-гизни биласизми?», «Энг билимдон эколог ким?», «Сиёсий билимингизни синанг», «Буюк алломаларимизни танийсизми?» ва бошқа шу сингари мавзуларда эсдалик совғали савол-жавоблар, викториналар ўтказилдиган майдонга айлантиришимиз даркор. Шунда ёшларимизнинг ижтимоий-маънавий дунёқарашини янада бойишига, уларнинг бўш вақтини беҳуда ўтказмасликка эришган бўлармидик?

Ўйин ёшларимизни ёт ғоялардан асраш йўлида ҳар қандай, айниқса, замонавий ва қўлай усулдан фойдаланилса, фойдадан холи бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, бугун мушакил юртимиз ривожланиш ва тараққиёт сари қадам босаётган давлатдир. Унинг бугуни тинч, келажаги порлоқ бўлиши учун ҳар биримиз бугундан ўз ҳиссамизни қўшишга, ён-атрофда кечаётган воқеаларга бекфарқ бўлмасликка масъулмиз.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

Дунё хабарлари

Дарахт баргларида ўсувчи олтин ёмбиси

Австралиялик олимлар эвкалипт дарахтлари ер ости руда конларидан илдири олмаган олтин моддасини шимиб, кейинчалик олтиннинг микроскопик зарралари баргларида сақлашни аниқлашди. Айтиш жоизки, сувни излаб топиш мақсадида эвкалипт дарахти илдирилари ер тубига 40 метргача бориши мумкин.

Мазкур излаш натижаси Австралиянинг геология ва ресурслари баҳолаш масалалари Агентлиги томонидан Nature Communications журналида чоп этилиб, катта баҳо қилинган.

Жумладан, олимлар мунозарасига олтин эвкалипт дарахтига шамол ёрдамида келиб тушадими ёки ҳақиқатан ҳам улар илдирилари замин тубидан тортиб олувчи фойдали қазилмалар нишонасими, деган савол сабаб бўлмоқда.

Масаланинг моҳиятига етиш учун олимлар Австралиянинг гарбида жойлашган олтин қазиб олинувчи ҳудудлардаги эвкалипт дарахтлари барглари улардан 800 метр узоқликдаги дарахт япроқлари билан солиштиришди. Шунингдек, ҳар қандай гумонлардан холи бўлиш учун тадқиқотчилар тажриба сифатида махсус иссиқхоналарда икки алоҳида: олтин зарралари билан тўйинган ва оддий тупроққа эвкалипт дарахтини экишди.

Натижа шуни кўрсатдики, олтин зарралари япроқларга дарахт илдиридан келиб ўрнашган. Шунингдек, ҳар бир барг ўзига саккиз миллиметр ўлчамдаги микроскопик тилла зарралар сақлашни аниқланган.

«Эҳтимолга кўра, олтин ўсимликлар учун захарли бўлиб, шу сабабли у баргларга ёки ҳужайраларнинг алоҳида қисмига кўчади», дейишмоқда тадқиқотчилар.

Айтиш жоизки, топилма энди ер юзиде камбағал одам қолмаслигини аниқлашди. Сабаби, барглардаги олтиннинг ўртача зичлиги миллиардга 46 қисм бўлиб, бу ҳар бир япроқнинг умумий оғирлигидан 0,000005 фоизни ташкил этади дегани.

Шу билан бир қаторда, сўнгги 10 йил ичида олтин конларини аниқлаш 45 фоизга камайгани ва жаҳон бозориде олтиннинг бир унцияси (31,1035 грамм) 1300 АКШ долларини ташкил этганини ҳисобга олсак, янги олтин қазиб чиқаришни йўлга қўйган компаниялар учун эвкалипт дарахти ҳақиқий «маёк» вазифасини ўтайди. Айниқса, энг арзон ва хавфсиз саналган бу имконият кенг миқёсда қазиб ишларида эътиборсиз қолдирилган кичик маъданли конларни топишда жуда қўл келади.

Атмосферадаги иссиқхона газлари

Маълумки, сайёрамизни турли ташқи таъсирлардан тўрт қобик — атмосфера, стратосфера, мезосфера ва термосфера ҳимоялайди. Улар Ердаги ҳаётни мувоозанотда ушлаб туришда алоҳида аҳамиятга эга. Агарда қобикларнинг биронтасида қандайдир муаммо вужудга келса, бу она замимиздаги тирикликка жиддий хавф солиши мумкин.

Афсуски, атмосферада катта миқдорда тўпланаётган иссиқхона газлари ана шундай муаммони келтириб чиқармоқда.

Ер сайёраси атмосферасида иссиқхона газларининг қуюқлаши рекорд даражага кўтарилишда давом этиб, улардан энг асосийси CO₂ нинг ортиши 2012 янада тезлашди, деб хабар беради Халқаро метеорологик ташкилоти (ХМТ).

ХМТ маълумотларига кўра, 1990 йилдан бери иссиқхона газлари Ернинг радиацион қизишини 32 фоизга қучайтирган. Ушбу кўрсаткичнинг 80 фоизини қазилма ёнилгини ёқиш жараёнида ажралб чиқадиган CO₂ газини ташкил этади. 2011-2012 йилларда атмосфера таркибида карбонат ангидрид газининг қуюқлашуви даражаси охириги ўн йил ичида ошгани аниқланган. Бу қанчалик жиддий хавф эканлигини тасаввур қилиш учун уни 1750 йилга нисбат қилиб олинса, концентрациялашуви 41 фоизга кўтарилишини кўриш мумкин. Мазкур ҳолатда метан ва азот оксиди эса тегишлича 160 ҳамда 20 фоизга ортган.

Иссиқхона газини келтириб чиқарувчи яна бир омил метан бўлиб, у инсон омили тўғрисида атмосфера таркибида 60 фоизни ташкил этмоқда. ХМТ мутахассисларининг аниқлашларига кўра, 2007 йилдаги маълум мuddат кечган барқарорликдан сўнг метаннинг ҳавога чиқарилиши яна ортди ва бу Арктика музликларининг эриши билан эмас, балки бошқа манбаларга боғлиқ.

ХМТ дунё ҳамжамияти мазкур муаммога ўз вақтида эътибор қаратмаса, бу қурраи заминни тиклаб бўлмас ҳалокатлар гирдобига олиб келади, деган хулосага келган.

Феруз ЖўРАЕВ тайёрлади.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
“Асака” банк (ОАЖ)

Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция кўни байрами билан табриқлайди ва қўйидаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини таклиф этади:
«КОНСТИТУЦИЯ-2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати	Филиаллар	Код	Телефон
12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар ҳар ойда	Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.	Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.	Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.	Юнусобод филиали	371	221-80-67
«Асака» банк — сармоягизнинг сақланиши ва кўнайишини кафолатлайди!	Сирғали филиали	371	258-67-49
Хизматлар лицензияланган	Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
	Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
	Асака филиали	374	233-13-69
	Фарҳод филиали	374	226-97-53
	Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
	Марғилон филиали	373	237-12-37
	Олтириқ филиали	373	432-10-11
	Кўқон филиали	373	552-61-04
	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
	Зарафшон филиали	436	573-18-78
	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
	Афросиёб филиали	366	221-77-56
	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11



Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- микдори чекланмаган!

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қошир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошўлат МАТИБАЕВ, Алишер МҲМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибхона — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Қ.Қўлдошев. Навбатчи — Ф.Жўраев.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган **НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgz.uz
adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—1100. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 7093

Босишга топшириш вақти — 21.45 Босишга топширилди — 22.00

1 2 3 4 5